БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 45
11 АПРЕЛЬ ЯКШАНБА 1954 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

БУГУНГИ СОНДА:

Ўзбекистон КП Марказий Комитетида: Республика колхоз ва совхозларида чигит экишни ўтказишдаги жиддий камчиликлар тўғрисида (1-нчи бет).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ — **Н. Эгамназаров** — МТС зонасида (2-нчи бет).

Р. Абдуллаев — Шаҳар партия кутубхонаси (2-нчи бет).

ФЕЛЬЕТОН — **Н. Юсуфий** — Ўч (2-нчи бет).

АДАБИЁТ САҲИФАСИ: **Ҳамид Ғулом** — Дўстлик косаси, **Ҳабиб Ну'мон** — Бригадир. **О. Апухтин** — Қардошлик совғалари (3-нчи бет).

Ғанимат кунлардан тўла фойдаланиб, чигит экишни тезроқ ва сифатли ўтказайлик! А. Раҳматов — Қибрланиш оқибати, **Т. Орипов** — Қишлоқ хўжалик новаторлари — виставка кандидатлари (4-нчи бет).

Германиянинг бирлиги масалалари комитетининг баёнати (4-нчи бет).

Хавфсизлик кенгашида (4-нчи бет).

Кўкламнинг бир куни—йиллик ҳосилнинг тақдирини ҳал этади

Газетамизнинг бугунги сонида Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети «Республика колхозлари, совхозларида чигит экишдаги жиддий камчиликлар тўғрисида» деб чиқарган қарори э'лон қилинмоқда. Партия Марказий Комитети барча пахтакорларни, механизаторларни, қишлоқ меҳнаткашларини дала ишларини кескин суратда кучайтиришга, чигит экишни тезроқ тамомлашга чақирмоқда.

Қарорда партия, совет органларининг раҳбарлари, колхозларнинг раислари, МТС ларнинг директорларидан ноқулай об-ҳаво шароити туфайли содир бўлган кечикишдаги қийинчиликларни изчиллик блан енгиб, барча дала ишларини қисқа муддатларда, юқори сифатли ўтказиш талаб қилинади. Бунинг учун зарур бўлган имкониятлар мавжуд. Колхоз ва совхозларда трактор, «Универсал»лардан тўла ҳамда унумли фойдаланиб, отулов кучларини дала ишларига сафарбар этиш, чигит экиш сур'атини тезлаштиришда энг муҳим воситалардандир.

Бу йилги кўкламнинг об-ҳаво шароитини тўғри ҳисобга олган илғор район, колхоз ва совхозларнинг пахтакорлари ҳарбир ғанимат фурсатдан тўла ва унумли фойдаланиб, экиш ишларини тезлаштириш учун курашаётирлар. Ана шундай район, колхоз ва совхозларда техника кучидан, ички имкониятлардан усталик блан, самарали фойдаланилиб, ерларни чигит экишга сифатли тайёрлашда, экиш графигини бажаришда бирмунча яхши натижаларга эришилмоқда. Гулистон, Ховос, Чиноз районларида барча куч дала ишлари сур'атини тезлаштиришга сафарбар қилинаётгани учун бу районлар областьнинг бошқа районларига қараганда кўпроқ ер тайёрламоқдалар ва ана шу ерларга сифатли қилиб чигит экмоқдалар.

Лекин бошқа бирқанча районларда дала ишларининг бориши шу куннинг талабига мутлақо жавоб бермайди. Ўртачирчиқ, Пискент, Октябрь, Ўртасарой районларида ер тайёрлаш, чигит экиш ишлари жуда суст бораётир. Бу районлардаги МТС ларда ер ҳайдов тракторлари, «Универсал»лардан тўла фойдаланилмаётир. Шундай бўлатуриб юқоридаги районларнинг раҳбарлар тракторларнинг кеча-кундуз тўхтовсиз ишлашига эришиш юзасидан керакли тадбирларни амалга оширмаётирлар. Бу районларда тракторчилар учун, айниқса тунги сменада ишлаётган тракторчилар учун етарли даражада шароит яратилмаган. Айрим трактор бригадаларида берилган топшириқ доим қониқарсиз бажарилаётган бўлса ҳам бундай фактларни йўқотиш юзасидан ҳеқандай чоралар кўрилмаётир. Тракторларнинг икки сменада ишлаши та'мин этилмаганлиги учун ер ҳайдаш, уни экишга тайёрлаш ва чигит экиш графиги бажарилмай келаётир.

Ҳозирги ғанимат кунларнинг ҳарбир соатидан унумли фойдаланиш, кўкламнинг кечикиши туфайли юз берган барча қийинчиликларни бартараф этиб экиш ишларини кенг суратда кучайтириб юборишнинг ҳозирги пайтда энг муҳим вазифаларидандир.

Тунги сменада ишлаётган тракторчиларга қулай шароит яратиб бериш эртаги кунги чигит экиладиган ерларни тайёрлашда ҳал қилучи аҳамиятга эгадир. Кечалари тракторларнинг тўхтовсиз ишлашини та'миналш учун уларни ёнилғи блан ўз вақтида та'минлаб туриш, сув ташучилар ажратиш жуда муҳимдир. Тунги сменадаги тракторчиларнинг сифатли ишлашига эришиш учун улар ҳайдаётган ерларни кундузги пайтларда кўрсатиб бериш, иш сифати устидан доим назорат қилиб туриш керак.

Чигитни яхши ишланган ерларга сифатли экиш уни ернинг табиий намига ундириб олишни та'минлайди. Чигит бир текисда унади ва кўчат соғлом, бақувват бўлади.

Кўклам кечикканлиги туфайли айрим район, колхозларда дала ишлари палапартиш бажарилмоқда. Ана шундай колхозларда сон орқасидан қувилиб, ишнинг сифатига э'тибор берилмаётир, ерлар саёз ҳайдалмоқда, чигит талабга мувофиқ экилмаётир. Шошма-шошарлик орқасида ерлар ҳайдашдан олдин ўғитланмай агротехника қоидаси қўпол равишда бузилмоқда. Шундай колхозлар ҳам борки, уларнинг раҳбарлари «вақт зиқ келиб қолди» деб уруғлик чигитларни экишдан олдин дорилашга етарли даражада э'тибор қилмаётирлар.

Пискент районидаги Ленин номли, Оққўрғон районидаги Тельман номли, Мирзачўл районидаги Ворошилов номли колхозларда кузда шудгор бўлмай қолган ерлар кўкламда сифатсиз ҳайдалмоқда. Бунинг устига бу ерларга минерал, маҳаллий ўғит солинмаётир. Яхши текисланмай, талабга мувофиқ бороналанмаётган ана шу далаларга чигит экиб, иш сифати қўпол равишда бузилмоқда. Пискент районидаги Ленин номли колхознинг раиси Ўртоқ Т. Ҳайдаров трактор бригадаларининг механикларига ғўзапоядан тозаланмаган ерларни ҳайдаш тўғрисида, нотўғри топшириқ берган. Унинг бу ғайри-қонуний буйруғини механизаторлар рад қилганларида, раис ўзининг ўринсиз фикрини амалга ошириш учун уларни мажбур этган. Бундай ҳолни шу райондаги Калинин номли, Охунбобоев номли колхозларда ҳам учратиш мумкин. Броқ район раҳбарлари, райкомнинг МТСлар зонаси бўйича секретарьлари бундай нотўғри ҳаракатларга ўз вақтида зарба бермаётирлар.

Кўклам кечикди, деб иш сифатини бузиш, агротехника қоидаларига риоя қилмаслик, биринчидан, чигит экишни жуда кечиктириб юборади, иккинчидан, мўл ҳосил етиштиришга жиддий путур етказади. Район партия комитетларининг МТС лар зонаси бўйича секретарьлари ва агрономлар ҳозирги пайтларда далада бўлиб, ер тайёрлаш, чигит экишнинг юқори сифатли ўтказилиши устидан контрольлик қилиб туришлари, колхоз правлениелари, партия ташкилотларига амалий ёрдам бериб, оператив раҳбарлик қилишлари керак.

Ба'зибир район партия ва совет органларининг раҳбарлари тез-тез ўзгариб турган об-ҳаво шароити туфайли саросимага тушиб қолаётган колхоз раисларига тўғри йўл кўрсатиб бериш ўрнига уларни ер сифатсиз тайёрланган бўлса ҳам чигитни наридан-бери экиб олишга қистамоқдалар. Давлат интизомини бундай қўпол равишда бузиш даставвал пахта ҳосилини кескин суратда камайтириб юборади.

Колхоз ва совхозларнинг партия ташкилотлари пахтакорлар ва механизаторлар ўртасида социалистик мусобақани ҳартарафлама кучайтириб юборишлари, ҳарбир колхозчи, тракторларининг кундалик нормани ошириб бажаришига эришишлари керак. Бунинг учун уларга ҳартарафлама қулай шароит яратиб бериш, далада иссиқ овқат тайёрлаб туриш зарур. Ер ҳайдашда, чигит экишда кўп норма бажараётган механизаторларнинг иш тажрибасини кенг пропаганда қилиш умумий юксалишга эришишда ҳал қилучи ўрин тутади. Колхоз ва совхозларнинг партия ташкилотларининг секретарьлари ҳозирги пайтда ўз ишларини бевосита далага кўчиришлари, ҳамавақт колхозчилар ва механизаторлар орасида бўлишлари керак.

Колхозларда мавжуд бўлган барча ишчи ҳайвонларни дала ишларида фойдаланиш, колхозлардаги ишга яроқли бўлган кишиларни далага сафарбар этиш, чигит экишни тезлаштиришда катта куч эканлигини унутмаслик керак.

Тракторлар ҳамда ички ресурсларни бригадаларга тўғри ва усталик блан тақсимлаш меҳнат унумини ҳартарафлама оширади, ер ҳайдашда, чигит экишда юқори кўрсаткичларни қўлга киритиш имконини беради.

Кўкламнинг ҳарбир ғанимат кунидан фойдаланиш, барча моддий техника воситаларини далага тўла сафарбар этиш партия, совет ташкилотларининг шу кунлардаги муҳим вазифасидир.

Халқимизнинг: «Кўкламнинг бир куни—йиллик ҳосилнинг тақдирини ҳал этади» деган ҳикматли сўзи бор. Ҳозирги даврда ҳарбир минут, ҳарбир соат ғанималдир. Ундан қанча унумли фойдаланилса иш шунча яхши юришади, муваффақиятга эришилади.

Бу йил Москвада Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкаси очилади. Бутун мамлакатимизда виставкада қатнашиш ҳуқуқига эга бўлиш учун мусобақа қизғин тус олаётган ҳозирги кунларда областимиз пахтакорлари, механизаторлари чигит экиш сур'атини тезлаштиришлари, сифатини яхшилашлари зарур. Далаларимизда фидокорлик блан меҳнат қилаётган минглаб пахтакорлар, механизаторлар она-Ватанимизга янада кўпроқ пахта ҳосили етиштириб беришдек улуғ мақсад блан яшамоқдалар. Ҳарбир киши, пахта қанча кўп бўлса Ватанимиз бойлиги шунча ошишини,унинг куч-қудрати янада мустаҳкамланишини яхши билади. Шунинг учун партия ташкилотлари умумхалқ социалистик мусобақасига бошчилик қилишлари, илғорлар сафини кенгайтиришлари керак.

Далаларимизда зўр ғайрат блан фидокорона меҳнат қилиб пахтадан ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштиришга эришайлик.

Вазифа — ҳарқандай об-ҳаво шароитида ҳам ишни усталик блан бажариб, ерларни сифатли тайёрлаб, чигит экишни қисқа вақт ичида ўтказишдан иборатдир.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА (КОЛХОЗЛАР БУЙИЧА) ЧИГИТ ЭКИШНИНГ БОРИШИ ТУҒРИСИДА 1954 ЙИЛ 10 АПРЕЛЬГАЧА БЎЛГАН

МА'ЛУМОТ

(процент ҳисоби блан)

Районларнинг номи	Планнинг бажарилиши	Бир кунлик ўсиш	Районларнинг номи	Планнинг бажарилиши	Бир кунлик ўсиш
Гулистон	33,2	4,0	Октябрь	14,4	0,5
Ховос	30,8	4,0	Ўртасарой	14,4	—
Сирдар'ё	28,2	—	Мирзачўл	10,9	1,4
Чиноз	23,1	—	Бўка	8,3	2,7
Оққўрғон	18,3	1,9	Юқоричирчиқ	8,2	—
Калинин	18,2	—	Пискент	7,9	0,7
Верхне-волинск	16,2	0,7	Ўртачирчиқ	7,7	0,9
Бекобод	15,8	3,4	Оҳангарон	2,7	0,9
Оржоникидзе	14,7	—			
Янгийўл	14,6	1,6	Область колхозлари бўйича:	16,0	1,5

Ўзбекистон КП Марказий Комитетида

Республика колхоз ва совхозларида чигит экишни ўтказишдаги жиддий камчиликлар тўғрисида

Ўзбекистон КП Марказий Комитети та'кидлаб ўтдики, кўклам кеч келганлиги ва об-ҳаво тез-тез ўзгариб турганлиги муносабати блан бу даврда республикадаги партия, совет, қишлоқ хўжалик органлари, машина-трактор станциялари, совхоз ва колхозлар ҳамма мажуд техникадан, меҳнат ресурсларидан ва бошқа имкониятлардан фойдаланишни яхши уюштириб, чигит экишни энг қулай муддатларда ўтказиш ва барча майдонларда чигитни текис ҳамда тўлиқ ундириб олишни та'минлашлари, бунинг учун об-ҳаво қулайлигининг ҳарбир ғанимат соатини қўлдан бермасликлари зарур эди.

«Правда» газетаси шу йил 7 апрельдаги бошмақоласида, бу йилги кеч келган кўклам шароитида экиш вақтини фақат кунлабгина эмас, балки соатлаб ҳисоблаш керак, деб жуда тўғри кўрсатиб ўтди. Кўклам қанчалик кеч келса, экиш муддатлари шунчалик қисқа бўлиши, экиш ишларининг шунчалик сифатли ўтказилиши талаб қилинади.

Ҳолбуки, кўпгина область ва районларнинг партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари раҳбарлари, машина-трактор станциялари ва совхозларнинг директорлари, колхоз раҳбарлари юз берган аҳволдан тўғри хулосалар чиқариб олмаётирлар ҳамда экиш ишларини тезлатиш учун мавжуд бўлган имкониятлардан тўла фойдаланмаётирлар.

Қудратли техниканг эга бўлган машина-трактор станциялари кўкламги экишда ҳал қилучи роль ўйнашлари лозим бўлишига қарамасдан, уларнинг уюшқоқсизлиги бирқанча ҳолларда эса МТС, партия ва совет ташкилотлари раҳбарларининг бефамлиги натижасида трактор паркининг анчагина қисмидан унумсиз фойдаланилмоқда: тракторчиларнинг кўпи иш нормаларини бажармаётир, кўпгина МТС ва совхозларда гусеничний ҳайдов тракторларининг бир кеча-кундуздаги иш унуми 3—4 гектардан ва чопиқ тракторларининг чигит экишдаги иш унуми 2—3 гектардан ошмайди. Тракторларнинг тунги иши айниқса ёмон ташкил қилинган, тегишли контроль йўқлиги ва тунги сменада ишлаётган тракторчилар ҳақида ғамхўрлик қилинмаётганлиги сабабли кечалари тракторларнинг анчагина қисми бекор туради.

Бирқанча жойларда ер ҳайдайдиган ғилдиракли тракторларга мутлақо асоссиз равишда э'тиборсиз қараб келинмоқда. Ҳолбуки, ҳозирги шароитда гусеничний тракторлардан ҳам, барча ғилдиракли тракторлардан ҳам ер ҳайдашда ҳамда ерларни чигит экишга тайёрлашда жуда унумли фойдаланиш талаб қилинади.

Катта камчилик шундан иборатки, чигит экишга ерларни тайёрлашда колхоз ва совхозлардаги от-уловлар етарли тортилмаётир. Шу муносабат блан бороналаш, молалаш, ер бурчакларини ҳайдаш каби от-уловлар блан бемалол бажариш мумкин бўлган ва бажарилиши лозим бўлган ишлар асосан тракторлар блан қилинмоқда. Бу эса трактор паркининг иш унуми паст бўлишига, ер ҳайдашнинг ва чигит экишга ерларни тайёрлашнинг кечикишига сабаб бўлмоқда.

Кўпгина колхоз ва совхозларда дала ишларида колхозчиларнинг ва совхоз ишчиларининг меҳнати нотўғри ташкил қилинган: колхозчилар ва совхоз ишчиларининг анчагина қисми ерларни экишга тайёрлаш ва чигит экиш ишларида бевосита қатнашмайди, далада ишлаётганларнинг кўплари эса кунлик иш нормаларини бажармайдилар, трактор ва далачилик бригадалари қилаётган ишларни бир-бирига боғлаб олиб бориш та'минланмаётир; бу эса чопиқ тракторларининг чигит экишдаги ишига халақит бермоқда.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети кўпгина колхоз ва совхозларда дала ишларининг сифатли ўтказилиши соҳасида жиддий хатоларга йўл қўйилаётганлигини мутлақо чидаб бўлмаслик аҳвол деб ҳисоблайди, «Правда» газетаси ўзининг бошмақоласида буни жуда тўғри кўрсатиб ўтди.

Партия, совет, қишлоқ хўжалик органлари, колхоз ва совхозларнинг ба'зи раҳбарлари экиш сифатини пасайтириш ҳисобига ишларни тезроқ тамомлашга уринаётирлар; Андижон, Сурхондар'ё областьларида ва бошқа областьларнинг бирқанча районларида чигитни чуқур ҳайдалмаган, яхши текисланмаган ва ишланмаган ерларга экиш фактлари бор. Экиш вақтида қаторалари, хусусан четки қаторлар кенглиги бузилаётир, экилган чигит тупроққа тўғри кўмилмаётир, уруғлик чигитни экишга тайёрлаш қоидалари бузилмоқда, чигитни формалин ва сульфат аммоний блан дорилаш кўп ҳолларда сифатсиз ўтказилади, ҳолбуки, бу йилги намгарчилик кўп бўлган кўклам шароитида уруғлик чигитни экишга сифатли қилиб тайёрлаш айниқса муҳим аҳамиятга эгадир.

Дала ишларни ташкил қилишдаги юқорида кўрсатиб ўтилган жиддий камчиликлар шунга олиб келдики, республика умуман олганда чигит экиш ишларини ўтказишда жуда орқада қолмоқда. 9 апрельгача колхозларда чигит экиш плани 14,5 процент, совхозларда 19,5 процент бажарилган.

Сурхондар'ё, Бухоро, Тошкент областьларидаги ва Фарғона водиси районларидаги колхозлар чигит экишда айниқса кейинда қолмоқдалар.

Шу блан бирга, республикада мавжуд имкониятлардан тўғри фойдаланиб ва об-ҳаво қулай бўлган ҳарбир ғанимат кундан фойдаланиб, чигит экишни муваффақиятли олиб бораётган ва катта-катта майдонларда чигитни ундириб олишга эришган, ҳозирги вақтда яганами ва қаторораларини ишлашни бошлаб юборган кўпгина колхоз ва совхозлар бор.

Масалан, Сурхондар'ё область, Шеробод районидаги колхозлар чигит экиш планини бажариб, янги ўзлаштирилаётган ерларда пландан ташқари чигит экишни қизитиб юбордилар, 1000 гектардан кўпроқ майдонда чигитни текис ундириб олдилар, бу райондаги Сталин номли колхоз ҳозирданоқ 200 гектардан кўпроқ ерда ғўзани яганалади. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, ишни мохирлик блан уюштирган вақтда мавжуд қийинчиликларни бемалол енгиш, чигит экишни тез сур'атлар блан олиб бориш ва чигитни тупроқнинг ўз нами блан ундириб олиш мумкин, бу эса юқори ҳосил етиштиришнинг гаровидир.

Шу муносабат блан Ўзбекистон КП Марказий Комитети кўпгина колхоз, совхоз ва машина-трактор станциялари раҳбарларининг бороналаш йўли блан тупроқнинг намини кўпроқ сақлаб қолиш учун зарур чораларни кўрмаётганликларини йўл қўйиб бўлмайдиган бир ҳол деб ҳисоблайди, бу ҳол чигитни ундириб олишни ва ғўза қатор ораларини қарариш қилишни жиддий равишда кечиктириши мумкин.

Чигит экишни муваффақиятли ўтказиш, уни бир текис ундириб олиш кўп жиҳатдан колхозчилар, совхоз ва МТС ишчилари ўртасида оммавий-сиёсий ишлари яхши йўлга қўйишга, улар учун зарур маданий-маиший шароитни яратиб беришга боғлиқдир. Область, район партия комитетлари, колхоз, совхоз ва МТСларнинг бошланғич партия ташкилотлари сиёсий ишлар марказини бевосита далага, трактор ва далачилик бригаларига кўчиришлари керак эди. Броқ кўпгина МТС, колхоз ва совхозларда социалистик мусобақа яхши ташкил қилинмаган, партия ва ҳукуматнинг қарорлари меҳнаткашларга етарли тушунтириб берилмаётир, дала шийпонлари жиҳозланмаган, дала ишларида банд бўлган колхозчилар ва айниқса колхозчи аёллар, трактор бригадаларининг ходимлари ва совхоз ишчилари учун тегишли шароит яратиб берилмаган, болалар ясли-лари ва майдончалари ташкил қилинмаган, умумий овқатланиш йўлга қўйилмаган. Кўпгина коммунистлар ва комсомоллар дала ишларида бевосита қатнашмаётирлар, ўзларининг авангардлик ролларини бажармаётирлар; колхоз, совхоз ва МТСларнинг бошланғич партия ташкилотлари қийинчиликларни енгишга ва чигит экишни муваффақиятли тугаллашга меҳнаткашларни етарли даражада сафарбар қилмаётирлар.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети **қарор қилди:**

1. «Правда» газетасининг шу йил 7 апрельдаги бош мақоласида Ўзбекистон колхоз ва совхозларида чигит экишни ўтказишдаги жиддий камчиликлар тўғри танқид қилинди, деб топилсин.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигига (ўртоқ Муҳамеджоновга), Ўзбекистон ССР Совхозлар министрлигига (ўртоқ Жалиловга), область ижрокомлари ва область партия комитетларига, район ижроком ва район партия комитетларига, МТС ва совхоз директорларига «Правда» газетасининг бошмақоласини муҳокама қилиш ҳамда чигит экишдаги жиддий камчиликларни йўқотиш учун дарҳол тегишли чоралар кўриш мажбуриятини юклатилсин.

Шу мақсадда:

а) ерларни чигит экишга тайёрлашда барча ҳайдов тракторларини ва чопиқ тракторларининг сони областьлар вазифаларига мослаштирилган ҳолда фойдаланилсин.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети Қишлоқ хўжалик министрлигини, МТС директорларини, маҳаллий Совет ва партия органларини бирқанча районларда ер ҳайдашда СХТЗ маркали ғилдиракли тракторлардан фойдаланишга етарли аҳамият берилмаётганлиги ҳақида огоҳлантиради ва бу тракторларнинг ҳаммасини ерни чигит экиш учун тайёрлаш ишига тўла равишда тортишни талаб этади. Шу блан бирга Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг шу йил 25 мартдаги қарорига мувофиқ, халқ хўжалигида ишлаётган тракторларни дала ишларига яқин кунларда жалб қилиш та'минлансин;

б) тракторчилар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни кучайтириш, ташкилий ишларни ва тракторларга техника хизмати кўрсатишни яхшилаш ҳисобига ҳарбир тракторчининг кундузи ҳам, кечаси ҳам смена нормасини ҳеч сўзсиз бажариши та'минлансин;

в) тракторларни иш жойига тўғри тақсимлаб қўйиш та'минланси ва ҳамма от-уловлар дала ишларига жалб қилинсин, — токи ер ҳайдаш, далаларни чигит экишга тайёрлаш ва чигит экиш узлуксиз равишда олиб борилсин;

г) ишга яроқли колхозчиларнинг асосий қисми экиш ишларига жалб қилинсин, чорвачиликка хизмат кўрсатиш ва ирригация-мелиорация ишларини бажариш учун зарур бўлган колхозчиларгина бундан мустасно қилинсин; меҳнатни уюштириш яхшиланси ва ҳарбир колхозчи ҳамда совхоз ишчисининг кунлик нормаларни бажариши та'минлансин;

д) қўшимча равишда чигит экиладиган ерлар беш кун муддат ичида аниқ кўрсатиб берилсин ва бу ерлар далачилик бригадаларига бириктиб қўйилсин;

е) бирқанча районларда қолоқ колхозларга ҳозиргача тегишинча ёрдам берилмаётганлигини кўзда тутиб, Қишлоқ хўжалик министрлигига, область ва район партия комитетларига, область ва район ижроия комитетларига қолоқ колхозларда кўкламги экишни ўтказиш ва чигитни текис ундириб олиш ишларини уюштиришга алоҳида э'тибор бериш, бунинг учун қолоқ колхозларга машина-трактор станциялари йўли блан ёрдам кўрсатиш, минерал ўғитларни биринчи навбатда ташиб бериш ва колхозларга область, район ходимлари ва қишлоқ хўжалик мутахассислари юборилиш вазифаси юклатилсин.

Шу блан бирга машина-трактор станцияларининг янги тайинланган раҳбарларига кўкламги экишни ўтказишда зарур ёрдам кўрсатилсин;

ж) сизот сувлар даражаси баланд бўлиб, чигит экишнинг кечикиб кетиш хавфи бўлган ерларда бу сувларни қуритиш чоралари кенг қўлланилсин, бунинг учун МТСлардаги мавжуд механизмлардан фойдаланилсин;

з) ернинг шўрини ювиш, айниқса Хоразм областида ва Қорақалпоғистон АССРда шўр ерларни ювиш ишлари кучайтирилсин, ерларни ювишга тайёрлашда МТСлардаги ер қазиш машиналаридан тўла фойдаланилсин, қўшимча ариқлар қазиш ва мавжуд ҳамма насос установкаларини ишга солиш йўли блан сув тортиш кўпайтирилсин.

2. Ба'зи партия, совет, қишлоқ хўжалик органлари, колхоз, совхоз ва МТС ходимлари ўртасида чигит экишнинг сифатини пасайтириш ҳисобига бу ишни тезроқ тугаллашга уриниш кайфиятлари бўлганлиги нотўғри деб, пахтадан юқори ҳосил олиш ишига жиддий зарар етказиши мумкин бўлган ҳаракат деб қоралансин.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигига, Совхозлар министрлигига, область ва район партия ва совет ташкилотларига бу ҳил кайфиятларни дарҳол тугатиш, чигит экиш юзасидан бўлган ишларнинг юқори сифатли ўтказилишини та'миналш учун колхоз ва совхоз раҳбарларининг, қишлоқ хўжалик мутахассисларининг, МТС ходимларининг жавобгарлигини ошириш мажбурияти юклатилсин, чунки, чигит экиш ишларини юқори сифатли қилиб ўтказиш — чигитни ҳамма ерда бир текис ва тўлиқ ундириб олишни, ғўзаларнинг тез ривожланишини та'минлайдиган энг муҳим фактордир.

Область, район, колхоз ва совхозларда олинган социалистик мажбуриятларнинг кўкламги экиш даврида қандай бажарилаётганлигини ўзаро текшириб чиқишни уюштириш, текшириш вақтида чигит экиш ишларини қисқа муддатда юқори сифатли қилиб ўтказиш учун тракторлардан ва мавжуд моддий техника ҳамда меҳнат ресурсларидан қандай фойдаланилаётганлиги масаласига алоҳида э'тибор бериш тавсия қилинсин.

3. Комолов ва Билбас ўртоқларга дала ишларини уюштиришда ва иш сифатини яхшилашда агрономия ёрдами бериш учун область ва районларга Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, Совхозлар министрлиги, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси, СоюзНИХИ ва республикадаги бошқа илмий-текшириш муассасалари аппаратидан қўшимча равишда агрономлар юбориш вазифаси топширилсин.

4. Ўзбекистон ССР Давлат контроли министрлигига (ўртоқ Поспеловга) дала ишларининг сифатини текшириш учун область ва районларга бир группа ходимлар юбориш, агротехника қоидаларининг соддалаштириб юборилиши ва бузилиши каби ҳолларга йўл қўймаслик учун тегишли тадбирлар кўриш мажбурияти юклатилсин.

5. СоюзНИХИ директори ўртоқ Мальцевнинг э'тибори шунга жалб қилинсинки, институт ходимларининг илғор агротехника талабларига қарама-қарши келадиган нотўғри тавсияномаларни беришлари йўл қўйиб бўлмаслик ҳолдир.

Ўртоқ Мальцевга дарҳол Андижон областига бориб, Фарғона зональ станциясининг ишини текшириш, нотўғри тавсиянамалар беришдек фактни бу станциянинг ходимлари ўртасида муҳокама қилиш ва станциянинг ишини яхшилаш тадбирларини кўриш топширилсин.

6. Ба'зи МТС ва совхозларни ёнилғи ҳамда мойлаш материаллари блан та'минлашда узилиш юз бераётганлигини қайд қилиб, «Главнефтьсбит» республика конторасига (ўртоқ Забродинга), Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигига, Совхозлар министрлигига зарур миқдорда ёнилғини «Нефтьсбит»нинг ҳамма базаларига, шунингдек МТС ва совхозларга ташиб келтириш учун дарҳол тегишли чоралар кўриш мажбурияти юклатилсин.

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг саноат ва транспорт бўлимига (ўртоқ Эгамбердиевга) машина-трактор станциялари ва совхозларнинг ёнилғи блан узлуксиз та'минланиб турилиши устидан контроль ўрнатиш топширилсин.

7. Область ва район партия комитетларига, колхоз, совхоз ва МТС бошланғич партия ташкилотларининг секретарьларига кўкламги экиш ишларининг бориши устидан кундалик контроль ўрнатиш, барча ишлабчиқариш воситаларидан тўла фойдаланиш ва чигит экишни қисқа муддатларда юқори сифатли қилиб тамомлаш юзасидан берилган топшириқларнинг бажарилиши учун, колхоз, совхоз, машина-трактор станцияларининг раҳбарларига нисбатан талабчанликни ошириш, бу масалалар юзасидан колхоз, совхоз ва МТС раҳбарларининг ҳисоботларини, обком, райком бюроларида, бошланғич партия ташкилотларида мунтазам суратда муҳокама қилиб туриш, чигит экишда коммунистларнинг авангардлик ролини ошириш тадбирларини кўриш мажбурияти юклатилсин.

8. Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетига (ўртоқ Муртазаевга) область ва район комсомол комитетларига чигит экишни муваффақиятли ўтказиш учун бу ишга ёшларни сафарбар қилиш соҳасида комсомол ташкилотларининг ишини активлаштириш мажбурияти юклатилсин.

9. Республика, область ва кўпгина район газеталарининг, шунингдек Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги, Радио эшитдириш бошқармасининг кўкламги дала ишларининг боришини матбуот саҳифаларида ва радиода ёритиш соҳасидаги ўз ишларини яхшилаш, бу ишдаги камчиликларни танқид қилиш ва илғор иш тажрибаларни кенг ёйиш мажбурияти юклатилсин.

10. Ўзбекистон КП Марказий Комитети барча коммунистларни, комсомолларни, барча колхозчиларни, МТС ва совхоз ишчиларини, қишлоқ хўжалик мутахассисларини чигит экишни тезроқ ва юқори сифатли қилиб ўтказиш, чигитни тупроқдаги нам блан текис ва тўлиқ ундириб олиш, шу блан чигит экишда йўл қўйилган қолоқликни тугатиш, бу йил давлатга камида 3 миллион тонна пахта топшириш юзасидан олинган мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилиши учун мустаҳкам асос яратиш мақсадида бутун куч-қувватларини сафарбар қилишга чақиради.

АШУЛА БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК

Тошкент шаҳар партия комитетида

Шу йил 16 май куни Ўзбекистонда Ашула байрами ўтказилади. Шу муносабат блан Тошкент шаҳар партия комитетида Ашула байрамини ўтказучи шаҳар комиссиясининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда комиссия а'золаридан ташқари, партия, комсомол, касаба союз ходимлари, сан'ат арбоблари, шаҳар театрларининг директорлари, олий ўқув юртлари, завод ва фабрикалардаги бадиий ҳаваскорлик тўгаракларининг раҳбарлари иштирок этдилар.

Ўзбекистон Давлат консерваториясининг профессори ўртоқ Семёнов ўтган йили бўлиб ўтган Ашула байрами даврида ортдирилган бой тажрибалардан унумли фойдаланиш ва йўл қўйилган камчиликларни такрорламаслик зарурлигини та'кидлаб ўтди.

ЎзКП Тошкент шаҳар комитети агитация ва пропаганда бўлимининг мудири ўртоқ Файзуллина шаҳарда Ашула байрамига тайёргарлик қониқарсиз бораётганини айтди. Шаҳардагисан'ат ходимлари, партия, комсомол, касаба союз ташкилотларининг актив ёрдами блан қолган муддат ичида тайёргарлик ишларини янада кучайтириш орқали бу умумхалқ ишини муваффақиятли амалга ошириш мумкин. Бу йилги Ашула байрамида халқ оммасининг кенг қатнашишига эришиш, ҳарбир муассасада хор, рақс, музика коллективлари тузиш лозим. Бу ҳаваскорлик коллективларига методик ва ижодий ёрдам бериш шаҳар маданият ва музика арбобларининг зиммасига тушади. Бу йил Ашула байрами ўтказучи маҳаллий комиссиялар тузилди. Улар муассаса ва корхоналардаги ҳаваскорлар тўгаракларида, хор, рақс ва музика коллективларида Ашула байрамига тайёргарлик ишларини ташкил қиладилар. Ашула байрамида ижро этиш учун «Совет Иттифоқи Давлат Гимни», «Ўзбекистон ССР Давлат Гимни», композиторлардан Мураделининг «Партия бизнинг йўлбошчимиз», Майбараданинг «Дўстлик Гимни», Изомовнинг «Қаҳрамон қизлар» қўшиқларининг текст ва ноталари кўп нусҳада босилиб, хор коллективларига тарқатилмоқда. Ҳозир радио орқали системали равишда оммавий қўшиқлар бериб борилмоқда.

Кенгашда сўзга чиққан Муқимий номли театрнинг директори ўртоқ Раҳмонов театр дирекцияси ва партия ташкилоти Москва районидаги 40 дан ортиқ корхона ва муассасада ҳаваскорлар тўгаракларини ташкил этиш ва уларга ижодий ёрдам бериш мақсадида 30 дан ортиқ сан'аткор ажратилганини айтди.

Олмалиқ шаҳрида Ашула байрамига тайёргарлик

Республикамизнинг ёш шаҳари Олмалиқда Ашула байрамига қизғин тайёргарлик олиб борилмоқда.

«Строитель» клубларида ва шаҳарнинг маданият уйида, хор тўгараклларида, шунингдек шаҳар мактабларида «Совет Иттифоқи Давлат Гимни», «Партия бизнинг йўлбошчимиз» каби ашулалар ўрганилмоқда. Бу қўшиқларни Ашула байрамида шаҳарнинг минг кишилик бирлашган хори ижро этади.

Тайёргарликнинг дастлабки кунлариданоқ шаҳар мактаб ва клублари ҳузурида янгидан 8 та хор тўгараги ташкил қилинди. Бу тўгараклар совет композиторлари ва халқ қўшиқларини тайёрламоқдалар.

Апрель ойининг иккинчи ярмида Ашула байрамига тайёрланган шаҳар бадиий ҳаваскорлар тўгаракларининг кўрикдан ўтказилади.

Е. ГОДОВИКОВ.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

МТС ЗОНАСИДА

Хушманзара, қалин дарахтзор орасидан кўпхонали, янги оқ бино кўринади. Бинога кираверишда чап томонда «Ҳурмат тахтаси» кўзга ташланади. Унда ер ҳайдаш ва чигит экишда намуна кўрсатиб ишлаётган илғор трактор бригадалари механикларининг номлари ёзилган. «Ҳурмат тахтаси» олдига икки киши келиб тўхтади. Улардан бири — Янгийўл район партия комитетининг 1-нчи МТС зонаси бўйича секретари Николай Данилович Зуев, иккинчиси шу МТС партия ташкилотининг секретари Павел Иванович Ерехин эди. Икки секретарь «Ҳурмат тахтаси»даги рақамларга қараб, трактор бригадаларининг иши ҳақида сўзлашардилар. Чигит экиш вақти ўтиб бормоқда. Дала ишларининг энг қизғин пайти келган. Ҳамма куч ва моддий-техника воситалари чигит экиш, мўл ҳосил етиштиришга сафарбар этилиши керак. Бу ишда механизаторлар ва пахтакорларнинг ҳамкорлиги, уларнинг зўр ғайрат блан меҳнат қилишлари ҳал қилучи роль ўйнайди. Омманнинг уюшқоқлигини та'миналашда оммавий-сиёсий ишларнинг аҳамияти, та'сир кучи ғоят каттадир. Зуев ҳам, Ерехин ҳам ўз зиммаларига юкланган мас'улиятли ва шарафли вазифалар ҳақида ўйлар эдилар. Улар ҳаял ўтмай МТС паркидан чиқиб келган машинага ўтириб, колхоз далаларига, трактор бригадаларига жўнаб кетдилар. Улар МТСга яқинда келтандар. Зуев блан Ерехин илгари Янгийўл район партия комитетида бўлим мудири бўлиб ишлардилар. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам олий ма'лумотли.

Янги структура, янги вазифалар

КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми қарорида қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш соҳасида муҳим тадбирлар белгиланди. Бу тадбирларни муваффақиятли амалга ошириш кадрларга, МТСларни, колхоз ва совхозларни мутахассислар блан та'минлашга боғлиқ эканлиги кўрсатилди. Қишлоқ меҳнаткаллари олдига мамлакатимиз аҳолисининг кенг исте'мол молларига ўсиб бораётган талабларини ва енгил ҳамда озиқ-овқат саноатини хомаш'е блан тўла-тўкис та'минлаш вазифаси қўйилган. Бу умумхалқ вазифасини бажариш учун қишлоқ хўжалиги органларига, колхоз, совхоз ва МТСларга янги мутахассислар армияси келабошлади.

КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленуми қишлоқ район партия комитетларининг қишлоқ хўжалигига раҳбарлик рольларини тубдан яхшилаш, район партия аппаратларини қайта қуриш ҳақида қарор қабул қилди. Шу асосда МТСларда район партия комитетлари секретарьларининг бошчилигида ходимлар группалари тузилди.

Ўртоқ Зуев МТС хўжалиги блан батафсил танишди, шунингдек МТС партия, комсомол ва касаба союз ташкилотларининг ишларини пухта ўрганиб, катта ва мураккаб хўжаликда партия раҳбар ходимига доир вазифаларни бажаришга киришди.

МТС партия ташкилотининг ролини ошириш ва уни мустаҳкамлаш зарур эди. МТСга янги мутахассислар келиши блан бошланғич партия ташкилотининг состави мустаҳкамланди. Илгари партия ташкилоти ҳисобида 30 га яқин коммунист бўлган бўлса, ҳозир МТС коммунистларининг сони 40 дан ошади. МТС коммунистларидан 8 киши олий ма'лумотли, 15 киши ўрта техника ма'лумотига эга бўлган тажрибали механизаторлардир. Ўртоқ Зуев МТС бошланғич партия ташкилотининг секретари ўртоқ Ерехин блан биргаликда МТС коллективи ўртасида оммавий-сиёсий ишларни кучайтириш тадбирларини белгилади. Бошланғич партия ташкилотининг иш плани тузилиб, партия йиғилишида тасдиқланди.

МТС партия ташкилотининг иш плани да МТС хўжалигини яхшилаш, колхозларга техника ёрдамини кучайтириш, коммунист-механизаторларнинг авангардлик рольларини ошириш тадбирлари белгиланган. Партия ташкилоти МТС мастерскойини реконструкция қилиш лозимлигини та'кидлаб, бу масалани дирекция олдига қўйди. Ҳозир мастерской реконструкция қилинмоқда. Бунинг натижасида тракторларни узел усулида ремонт қилиш учун қулай шароитлар яратилмоқда. Мастерскойда мотор-ремонт, темирчилик, электр цехлари, ҳаммаси бўлиб 12 цех ишлайбошлади. Трактор ва бошқа машиналарнинг детальлари белгиланган цехда ремонт қилинади. Бу усул ремонт ишини тезлаштирди ва меҳнат унумини оширди.

Мастерскойга тажрибали инженерлар, техниклар ишга тайинланди. Бошланғич партия ташкилотининг мастерской иши устидан контроллиги кучайтирилди. Коммунист-механизаторлар доимий ишлаш учун биркитилди. Ҳозир мастерскойга тажрибали инженер, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Ф. Кротов бошчилик қилмоқда. МТСда 16 узел ишлаб турипти. Бу узелларда 24 ишчи ўрни ташкил этилган. Трактор бригадаларининг ҳаммаси машиналарни узел усулида ремонт қилишга ўтган. Шунинг натижасида МТСда тракторларнинг ремонт қилиш ишлари ўз вақтида бажарилди. Ҳозир тракторчилар колхоз далаларида чигит экиш ишларини қизғин олиб бормоқдалар.

Район партия комитети секретари бошчилигидаги ходимлар группаси МТСга келган янги мутахассисларнинг ишга тўтри тақсимланишига ва уларнинг қобилиятларига яраша иш блан та'миланишига катта э'тибор бериб келмоқда. МТСда 15 трактор бригадаси ва 2 та ер текислаш ер қазиш машиналари бригадаси ташкил этилди. Ҳозир МТСда 400 дан кўпроқ турли ихтисосдаги ишчилар ишламоқда.

Кейинги вақтларда МТСга келган мутахассислардан ўртоқ Н. Утехин бош зоотехник, ўртоқ Ф. Якуба старший ветеринария врачи бўлиб ишламоқда. Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги аппаратида ишлаган ўртоқ Евдокия Тарасовна Грачева ҳозир Ленин номли колхозда давлат агрономи бўлиб ишламоқда. Ўртоқ Орипов бу колхозда боғчачилик бўйича агроном бўлиб ишга тайинланган. Партия чақириғи блан Украинадан келган ўртоқ Маслова МТС зонаси бўйича пиллачилик агрономи вазифасида хизмат қилиб келмоқда.

Ўртоқ Зуев қишлоқ хўжалигини комплекс ривожлантиришда барча куч ва имкониятларни мўл ҳосил етиштиришга сафарбар этишда бошланғич партия ташкилотига катта ёрдам кўрсатиб келмоқда. МТС коммунистлари колхоз ишлабчиқаришида намуна кўрсатиб ишламоқдалар. Ленин номли колхоз бу йил 1 минг 800 гектар ерга пахта ва 380 гектар ерга сабзавот экади ва парвариш қилади. Колхозчилар ҳар гектар ердан 38 центнердан пахта ҳосили етиштириш учун мажбурият олдилар. Бу колхоз ерларида МТСнинг 6 трактор бригадаси хизмат қилмоқда. Ўртоқ Зуев ва райком инструктори Иззатуллаев бу колхоз бошланғич партия ташкилотини мустаҳкамлашга катта э'тибор бериб келмоқдалар.

Колхоз партия ташкилотининг ҳисобида 38 коммунист бор. Комсомоллар 368 кишига боради. Ўртоқ Зуев колхоз коммунистларининг муҳим участкаларга биркитиб ва уларнинг авангардлигини оширишда бошланғич партия ташкилотининг секретари ўртоқ Жамол Тўйчиев блан бирга иш олиб бормоқда. Коммунистлардан 7 киши бригада бошлиқлари бўлиб ишламоқдалар. 30 га яқин коммунистлар дала ишларига бевосита қатнашмоқдалар. Коммунистлардан Барот Пўлатов, Акрам Нишонбоев, Тоҳир Мирзаҳаимов ўртоқлар бошлиқ бўлган илғор бригадалар чигит экишни барвақт тамомлаб, ҳар гектар ердан 40—45 центнердан пахта ҳосили етиштириш учун қурашмоқдалар.

МТС зонасидаги 7 колхоз бу йил 5 минг 929 гектар ерга чигит экиб, ҳар гектардан 33,8 центнердан пахта ҳосили етиштириш ҳақида мажбурият олган. Шунингдек, колхозларда 1 минг 909 гектар беда, 945 гектар галла, 426 гектар сабзавот, 108 гектар шоли ва бошқа маҳсулотлар етиштирилади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда асосий иш МТС ходимларининг зиммасига тушади. Кўчма техника ёрдамисиз мўл ҳосил етиштириш мумкин эмас. Шунинг учун МТС коллективи дала ишларини қат'ий план асосида олиб боришга ва тракторлар кучидан унумли фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Коллектив чигит экишни зона бўйича 10 кун ичида тамомлаш учун астойдил ҳаракат қилмоқда.

Колхозларда оммавий-сиёсий ишлар кучайтирилмоқда

Дала ишларининг уюшқоқлик блан ўтказилиши механизаторлар ва колхозчиларнинг ишчанлиги ва улар ўртасида оммавий-сиёсий ишларнинг кучайтирилишига боғлиқдир. Шунинг учун ўртоқ Зуев тракторчилар ва колхозчилар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни ва социалистик мусобақани кучайтиришга алоҳида э'тибор бермоқда. 1953 йилда МТС зонасидаги колхозлардан фақат 2 таси пахта тайёрлаш планини бажарди. Колхозлар давлатдан бирнеча юз тонналаб пахта қарздор бўлиб қолдилар.

Инструкторлар группаси колхозларнинг давлат мажбуриятларини бажараолмай келганликларининг сабабларини пухта ўрганиб, колхоз партия ташкилотларининг йиғилишларини ўтказдилар. Яқинда райком инструкторлари Иззатуллаев ва Усмонов ўртоқлар Ворошилов номли, Петров номли ва Навоий номли колхозларда бўлиб, бошланғич партия ташкилотларининг колхозчилар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни бўшаштириб юборилганлигини та'кидлаб ўтдилар ва бу колхозларда бирнеча кун бўлиб, бошланғич партия ташкилотларига ёрдам бердилар. Улар мўл ҳосил етиштиришда социалистик мусобақа шартларининг бажарилиши, пахтакорлар ва механизаторларнинг илғорлигини ошириш тадбирларини белгиладилар. Ҳозир МТС трактор бригадалари ва колхоз бригада ҳамда звенолари, шунингдек колхозлар ўртасида ҳам социалистик мусобақа шартномалари тузилган. Ўртоқ Зуев ва инструкторлар социалистик мусобақа натижаларини ўз вақтида текшириб, пахтакорлар ва механизаторларнинг ўз устларига олган мажбуриятларини қандай бажараётганликларини текшириб турмоқдалар.

Ўртоқ В. Мешков директор бўлган 1-нчи МТС райондаги 2-нчи МТС блан, шунингдек Озарбайжон ССР Корягин районидаги 1-нчи МТС блан ҳам қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил етиштириш юзасидан социалистик мусобақа боғлаган. Яқинда Корягин районидан хат келди. Хатда район пахтакорлари ва механизаторларининг пахтачиликни ривожлантириш соҳасида қўлга киритаётган муваффақиятларининг, бу йилги дала ишларининг аҳволидан хабар бериб туриш сўралган. Яқинда 2-нчи МТСдан ўзаро текшириш бригадаси келиб, 1-нчи МТС зонасида кўкламги экишга тайёргарлик ишларини текширишга кетди.

Инструкторлар группаси амалий ишда

Ўртоқ Зуев МТС хизмат қиладиган 7 колхозда оммавий-сиёсий ва ташкилий ишларни кучайтириб юбориш, бу колхозларга биркитилган инструкторлар ролига алоҳида аҳамият бермоқда. Бу инструкторларнинг ҳарбир колхозда қандай иш олиб бориши, ютуқларни мустаҳкамлаб, камчиликларни тугатиш ва бошланғич партия ташкилотларининг колхоз ишлабчиқаришига раҳбарликни ошириш ҳақида инструкторларга конкрет топшириқлар бериб, оммавий-сиёсий ишларни конкрет план асосида олиб боришни йўлга қўйган. Ўртоқ Зуев инструкторлар иши устидан доимий контроль ўрнатиб, уларга амалий ёрдам ва маслаҳатлар бериб келмоқда.

Ўртоқ Иззатуллаев яқинда Маленков номли колхозда бўлди. Ў, колхоз партия ташкилотининг 20 мартдан 30 апрельгача мўлжалланган иш планини тузишда қатнашди. Иш планда партиявий-ташкилий ва оммавий-сиёсий, меҳнатни ташкил этиш ва социалистик мусобақа ҳамда колхозчиларга маданий-маиший ишларни яхшилаш юзасидан конкрет тадбирлар белгиланган. Бу иш плани район партия комитети томонидан тасдиқланиб, район газетасида э'лон қилинган.

МТС зонасидаги колхозларда ва бошқа хўжаликларда 400 га яқин коммунист ишламоқда. Ўртоқ Зуев, шунингдек райком инструкторлари зона коммунистларининг бутун куч ва э'тиборини қишлоқ хўжалигини, биринчи навбатда пахтачиликни ривожлантиришга қаратмоқдалар.

МТС зонасидаги партия группаси экин майдонларини кенгайтириш ва пахтачилик ҳамда бошқа экинлардан мўл ҳосил етиштиришга қаратилган оммавий-сиёсий ва ташкилий ишларни кучайтирмоқда. МТС ва колхоз кучлари янги ерларни ўзлаштириш, кам ҳосилли ерларнинг мелиоратив аҳволини ва унумдорлигини яхшилашга қаратилмоқда. МТС ва колхоз партия ташкилотларида, шунингдек механизаторлар ва колхозчилар ўртасида СССР Министрлар Совети ва КПСС Марказий Комитетининг «Ўзбекистон ССР да 1954—1958 йилларда пахтачиликни янада ривожлантириш тўғрисида»ги қарорига кенг муҳокама қилиниб, янги мажбуриятлар олинмоқда.

МТС ва колхоз бошланғич партия ташкилотлари, шунингдек район партия комитетининг секретари дала ишларида коммунистларнинг авангардлик рольларини оширишга алоҳида э'тибор бериб келмоқдалар. Бошланғич партия ташкилотлари партия йиғилишларини ва бюро мажлисларини ўз вақтида ўтказиб, колхоз ва МТС ишлабчиқаришига оид муҳим тадбирларни белгилаб, уларни амалга ошириш учун қурашмоқдалар. Колхоз бригадаларида, шунингдек трактор бригадаларида деворий газеталар ва «Жанговар варақа»лар чиқарилмоқда.

Район партия комитетининг МТС зонаси бўйича секретари, инструкторлар группаси ўзларининг иш фаолиятларини кучайтиришга ҳаракат қилиб, КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми қарорида кўрсатилган улуғвор вазифаларни амалга оширишда, қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштиришда бошланғич партия ташкилотларига амалий ёрдам бермоқдалар.

Н. ЭГАМНАЗАРОВ.

Тошкент экскаватор заводи механикайиғув цехининг коллективи партия ва ҳукуматимизнинг «Ўзбекистон ССРда 1954—1958 йилларда пахтачиликни янада ривожлантириш тўғрисида»ги қароридан илҳомланиб фидокорона меҳнат қилмоқда, янги ўзлаштириладиган ерларга кўплаб экскаватор ва запас қисмлар ишлаб юбормоқда. **Суратда:** кунлик нормасини 160—180 процентдан ошириб бажараётган йиғувчи-ўзлининг бригадири, слесарь ўртоқ **Рашид Ҳамроқулов** цех бошлиғининг ўринбосари ўртоқ **А. Докукин** блан биргаликда бош трансмиссии кўздан кечирмоқдалар.

В. САЛОВ фотоси.

ЯНГИ КИТОБЛАР

Ўзбекистон ССР Давлат нашриёти қуйидаги китобларни нашр этди. Қишлоқ хўжалигига доир китоблар:

КОЛЛЕКТИВ. — «Илғор колхозлар тажрибаси». 112 бет, тиражи 10.000, баҳоси 3 сўм 25 тийин.

Б. Б. МАССИНО. Қишлоқ хўжалик фанлари кандидати. — **«Ем-хашакни мўл қилиш йўллари».** 38 бет, тиражи 10.000, баҳоси 50 тийин.

В. Е. КАБАЕВ. — «Мўл пахта ҳосили олиш тажрибаси» (Бухоро область, Қоракўл районидаги «Октябрь» колхозининг мўл пахта ҳосили олиш тажрибаси). 82 бет, тиражи 10.000, баҳоси 90 тийин.

КОЛЛЕКТИВ. — «Илғор колхозлар нинг иш тажрибаларн» (Қишлоқ хўжалик журналларида босилган мақолалар). 124 бет, тиражи 10.000, баҳоси 1 сўм 65 тийин.

Н. Н. БАЛАШЕВ. «Ўзбекистонда картошкачилик». 232 бет, тиражи 10.000, баҳоси 5 сўм 50 тийин.

П. Н. ДУДКО. — «Ўзбекистонда шёз экиш». 38 бет, тиражи 10.000, баҳоси 50 тийин.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока», ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриёти қуйидаги китобларни босиб чиқарди. Фан ҳақида суҳбатлар сериясидан:

Н. С. МИРПЎЛАТОВА. — Қишлоқ хўжалик фанлари кандидати. **«Гоммоз, унга қарши чигит дорилашнинг асоси ва техникаси».** 26 бет, тиражи 46.000, баҳоси 40 тийин.

А. СПИРКИН. Философия фанлари кандидати. — **«Икки сигнал системаси тўғрисида И. П. Павлов та'лимоти ва унинг философик аҳамияти».** 22 бет, тиражи 46.000, баҳоси 40 тийин.

А. К. КАРИМОВ. — «Ўзбекистонда гўнг-чириндн тувакчаларда эртаги сабзавот етиштириш», 28 бет, тиражи 46.000 баҳоси 40 тийин.

Студентларнинг илмий ишларига бағишланган конференция

Яқинда қишлоқ хўжалик институтининг 480 студентини бирлаштирган студентлар илмий жамиятининг V конференцияси бўлиб ўтди. Илмий конференция ишларига институтдаги пахтачилик, ипакчилик, селекция-уруғчилик, узумчилик, ўсимликшунослик тўгаракларининг а'золари ва бошқалар актив қатнашдилар.

Илмий конференцияда қишлоқ хўжалик экинларининг агротехникаси, уруғчиликни яхшилаш тадбирлари ва бошқа муҳим темаларда 50 га яқин студент доклад қилди. Агрономия факультетининг V курс студенти Ю. Ремедовскийнинг «Ғўзани вегетатив усулда дурагайлаш», ипакчилик факультетининг IV курс студенти Муратовнинг «Ипак қуртларининг қанд лавлаги барги блан озиқлантирилиши», илмий жамият а'зоси М. Токовнинг «Пахтанинг илдизидан ташқари фосфор блан озиқлантирилиши ва унинг 2-нчи «Боёвут» совхозида ташкил қилиниши», М. Одиловнинг «Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Сталин мукофоти лауреати Назарали Ниёзовнинг пахтадан юқори ҳосил олиш соҳасидаги тажрибаси», деган темалада қилган докладлари айниқса зўр қизиқиш блан тингланди.

Институт агрохимия-мевачилик факультетининг V курс студенти В. Мукольянцнинг «Пахтани ўсиш даврида озиқлантиришнинг натижалари» деган темадаги доклади конференция якунида юқори баҳо олди. Шунинг учун институт илмий совети В. Мукольянцни аспирантурада ўқишга қолдиришга қарор қилди.

К. ХАНОВ.

УНИВЕРСИТЕТ ДРАМА ТУГАРАГИДА

В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё давлат университетининг Ўзбекистон ССР халқ артисти Ш. Бурхонов раҳбарлигидаги бадиий ҳаваскорлар тўгараги Украинанинг Россияга қайта қўшилганига 300 йил тўлиши муносабати блан ўтказиладиган умумхалқ байрамига бағишлаб драматург К. Яшиннинг «Ўлим босқинчиларга» номли пьесасини саҳнага қўйиш учун тайёрламоқда.

Бу пьесада халқлар дўстлиги темаси юксак пафос блан берилган. Унда немис-фашист босқинчиларига қарши олиб борилган мардонавор курашда бутун совет халқи блан бирга ёнма-ён туриб душманга зарба берган украин ва ўзбек халқининг қаҳрамонона кураши кўрсатилган.

Шунингдек, рус бадиий ҳаваскорлар тўгараги (раҳбари Давидов) драматург Корнейчукнинг «Макар Дубрава» пьесасини кўрсатиш учун қизғин ижодий иш олиб бормоқда.

А. Абдумажидов.

СССР Олий Совети президиумида

Балиқ тутишни бундан кейин янада кўпайтиришни ва балиқ маҳсулоти сифатини яхшилашни та'минлаш мақсадида СССР Олий Совети Президиуми СССР Министрлар Советининг таклифига биноан СССР Озиқ-овқат моллари саноати министрлигининг балиқ саноати корхоналари ва ташкилотлари базасида СССР иттифоқ-республика Балиқ саноати министрлиги тузди.

СССР Балиқ саноати министрлигига СССР Министрлар Совети тасдиқлаган рўйхатдаги балиқ саноати корхоналари ва ташкилотлари топширилди.

Ўртоқ Александр Акимович **Ишков** СССР балиқ саноати министри қилиб тайинланди.

Юқори малакали инженер-техник кадрлар етиштирамиз

(Ўрта Осиё политехника институтининг директори Ўртоқ М. И. Ниёзов блан суҳбат)

Партия ва ҳукуматимиз Октябрь социалистик революциясидан сўнг мураккаб миллий масалани демократик принциплар асосида муваффақиятли ҳал қилиб, Ўрта Осиё республикаларида олий ўқув юртлари ташкил қилиш ишига катта аҳамият бердилар. Бу республикаларда саноатнинг тез юксалиб бориши олий техника кадрларига бўлган талабни оширди. Шу сабабли 1920 йилда Туркистон Давлат университетида техника факультети очилди ва бу блан Ўрта Осиёда олий техника ўқишига асос солинди.

Бешйилликлар даврида Қозоғистон ва Ўрта Осиё республикаларида саноатнинг тез сур'атлар блан ўсиши мустақил олий техника ўқув юртига бўлган эҳтиёжни яна оширди. 1931 йилда Ўрта Осиё қурилиш институти, Ўрта Осиё энергетика ва Ўрта Осиё тоғ институтлари ташкил этилди. Бу олий ўқув юртлари қисқа вақт ичида юқори малакали инженер-техник кадрлар тайёрлашда муҳим роль ўйнади. Аммо бу институтлар ўзларининг моддий базалари тор бўлганлиги учун техника кадрларига нисбатан тобора ортиб бораётган эҳтиёжни қондираолмас эдилар. Шунинг учун ҳам СССР Халқ Комиссарлари Советининг 1933 йил 4 ноябрьда чиқарган махсус қарорига мувофиқ, 1934 йил апрель ойида юқоридаги уччала институт Ўрта Осиё индустриал институти номи блан бирлаштирилди. Кўп ўтмай институтда Ўрта Осиё Давлат университетининг химия факультети базасида химия-технология факультети ва 1941 йилда механика факультетлари ташкил қилинди. 1949 йилда Иттифоқ Ҳукуматининг қарорига мувофиқ Ўрта Осиё индустриал институтининг номи Ўрта Осиё политехника институти деб ўзгартирилди.

Ўрта Осиё политехника институтининг олтита факультети бўлиб, уларда 23 хил соҳа бўйича мутахассислар тайёрланаётир. Ҳозир институтда ҳаммаси бўлиб 3 минг 992 студент ўқимоқда. Булардан 1 минг 100 студент ўзбек ва бошқа маҳаллий миллат ёшларидир, 112 студент эса ўзбек хотин-қизларидир. Институтнинг моддий базаси кенгайган сари, студентларнинг ҳам сони йилдан-йилга ортиб борди. Агар 1934 йилда ўзбек ва бошқа маҳаллий миллатлардан институтни фақат 4 киши тамомлаб чиққан бўлса, 1953 йилда 437 киши тамомлаб чиқди.

Институт ташкил топгандан бери 4 минг 894 инженер-мутахассислар тайёрлаб чиқарди. Улардан кўплари республикамизнинг саноат корхоналарида, илмий муассасаларида, партия ва совет ташкилотларида раҳбарлик вазифаларида ишламоқдалар. Масалан, инженер Х. Фозилов Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг энергетика институтининг директори, Сталин мукофоти лауреати инженер М. Жеребцов «Ўзбекэнерго»нинг бошқарувчиси, инженер ўртоқ Терентьев эса Тошкент экскаватор заводининг директори бўлиб ишламоқдалар.

Институтни тамомлаб чиққан юзларча инженерлар Тожикистон, Туркманистон, Қозоғистон, Урал, Узоқ Шарқ, Сибирь, Украина ва бепоён мамлакатимизнинг турли жойларидаги завод, фабрика, шахта ва бошқа корхоналарида муваффақият блан ишламоқдалар.

Ўтган 20 йил ичида институтнинг профессор-ўқитувчилар состави ҳам ўсди ва мустаҳкамланди. Ҳозирги пайтда институтнинг 54 кафедраси 351 профессор ўқитувчилар составига, шу жумладан 16 фан доктори ва 117 фан кандидатига эга. Булардан 53 киши ўзбеклардир. Институт ўқитувчилари орасида Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ҳақиқий ва корреспондент а'золаридан профессор Абдуллаев, Уклонский, Шчедрин, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоблари профессор Л. Воронин, А. Королев, М. Михайлов ва бошқа машҳур олимлар бор. Кейинги беш йил ичида 9 киши докторлик ва 50 киши кандидатлик диссертацияларини муваффақият блан ёқладилар. Ўқитувчилардан кўп киши Иттифоқимизнинг йирик олий ўқув юртларида ўзларининг илмий мутахассисликларини ошириш йўлида самарали ишламоқдалар.

Институт аспирантурасида ҳозир 24 киши ўқимоқда. Профессор-ўқитувчилар состави Коммунистик партия ва Совет Ҳукумати томонидан Ўрта Осиё республикалари олдига қўйилаётган халқ хўжалигига доир муҳим проблемаларни ҳал қилишда актив иштирок қилиб келмоқдалар. Грушкин, Абдуллаев, Ховренко, Дмитриев, Раҳимов ва бошқа ўртоқлар энергетика, минерал ресурслар, ёқилғи, рангли ҳамда нодир металлар ва бошқа соҳалардаги муҳим проблемаларни илмий жиҳатдан ҳал қилишда актив қатнашмоқдалар.

Институт илмий ходимлари профессор Уклонский раҳбарлигида Ўзбекистоннинг ба'зи районларидаги табиий бойликларни шу жумладан Оҳангарон кўмир ҳавзасининг бойликларини ўрганиш проблемаларини ва бошқа халқ хўжалиги учун муҳим бўлган комплекс проблемаларни ишлаб чиқдилар. Бундан ташқари илмий ходимлар республикамизда металлургия базасини вужудга келтиришда, ва Фарғона ГЭС қурилишларида самарали иш олиб бордилар. Ўзбекистон ва бошқа иттифоқдош республикаларнинг табиий бойликларини ўрганиш ишларида қатнашиб, халқ хўжалигимизни юксалтиришда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

Ҳозирги вақтда институт коллективи КПСС XIX с'езди директивалари ҳамда КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленуми қарорлари блан қуролланган ҳолда мамлакатимиз экономикасини янада ривожлантиришга қаратилган муҳим илмий проблематик масалаларни ҳал қилишда ватанимиздаги саноат корхоналари блан ижодий ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

Институт коллективи яратаётган илмий асарлар сони йил сайин кўпаймоқда. Агарда 1940 йилда институт илмий ходимларининг 42 та илмий иши босилиб чиққан бўлса, 1950 йилда 65 та, 1953 йилда эса 91 та илмий иш э'лон қилинди. Умуман институт ташкил топгандан бери 20 йил ичида 923 та илмий иш босилиб чиқди. Илмий ишларнинг кўпчилиги ишлабчиқаришга жорий қилиш учун саноат корхоналарига топширилди.

Институтимиз коллективи партия XIX с'езди томонидан ҳалқимиз олдига қўйилган тарихий вазифаларни муваффақиятли равишда ҳал этиш учун, социалистик саноатимизга кўплаб юқори малакали кадрлар етиштириб бериш учун бундан кейин ҳам ҳормай-толмай ишлайди. Институтимиз олдида ҳали йиллар ичида нефть конларини қидириш ва эксплуатация қилиш ҳамда нефтьни химия усулида қайта ишлаш соҳалари бўйича инженер кадрлар етиштириш вазифаси турибди. Биз бу шарафли вазифани муваффақиятли бажариш учун қурашамиз. Халқ хўжалигимиз учун кўплаб юқори малакали инженер-кадрлар етиштириш мақсадида бу йил институт факультетларига ёшгидан 1 минга яқин студент қабул қилинади.

Институт дирекцияси ва партия ташкилоти қўриш ва ўқитиш ишлари сифатини кескин равишда яхшилаш ҳамда тарбиялаб чиқарилаётган кадрларни социалистик саноатимизнинг ҳақиқий командирлари-коммунизм қурувчилари қилиб етиштириш учун бор имкониятлардан тўла фойдаланадилар.

ФЕЛЬЕТОН

Ў Ч

Биров қўшнисидан қаттиқ хафа бўлиб, кечаси блан ухламасдан ўч олиш учун план тузиб чиқипти. Эрталаб ўрнидан туриб, девор орқали қўшнисининг ҳовлисига назар ташлапти. Ҳовлида товуқлар донлаб юрган экан, ердан катта кесакни олиб товуқларга ирғитипти. Товуқлар ҳовлини бошларига кўтариб қақиллаб, дув учишипти. Айвонда ётган олапар керишиб ўрнидан турипти-да, бир сакраб деворга чиқипти ва кесак отган кишини қувиб, оёғидан бир парча этини узиб олипти.

Бу ҳикояни эшитгандан кейин Пекерманнинг ўч олови пасайгандир, деб ўйламанг.

У ўзига, ошна-оғайниларига қаттиқ ишонади. У, газеталарнинг янги сони келиши блан оқ олдин райкомга, сўнгра райисполкомга югуради. У мунофиқлик блан илжайиб, район раҳбарларининг кўнглини овлайди. Агар газеталарда бирор фельетон босилиб чиққан бўлса, жумлаларни ҳижжалаб, баланд овоз блан ўқиб беради-да, тиззасига уриб кула-кула раҳбарнинг кабинетини жаранглатади.

Мана, у яна раҳбарлардан бирининг кабинетига кириб келмоқда, унинг қўлида ғижимланган «Меҳнат йўли» газетаси!

Пекерман бу сафар бир гапириб ўн кулмайди, пешонасини тиришириб, афтини буриштириб, ўз гапини ма'қуллайди.

— Ахир ўзингиз ўйлаб кўринг. Бу — район газетаси. Мен район идораларидан бирининг бошлиғиман. Мени танқид қилишга нима ҳаққи бор, бу газетанинг? Менинг обрўйимни тўкиб қўйибди-ку!

— Қани бўёққа берингчи, дейди райком секретари ўртоқ Семиречик, — нима деб ёзипти?

У ғижимланган газетани стол устига ёзадида, ўқий бошлайди.

Ховос район партия комитети ва райком ижроия комитетининг органи «Меҳнат йўли» газетаси район алоқа бўлимининг ишини танқид қилган экан. Газетанинг ёзишича, 1954 йил январь ойидан бери район меҳнаткашлари якшанба кунларида газета ва журналлар ололмайдилар. Шу куни почта тақа-тақ бекилиб, ҳамма ходимлар, шу жумладан хат ташучилар ҳам дам оладилар.

Баландчақир почтаси район марказидан 40 километр узоқда. Бу ерга почта ҳафтада икки марта келтирилади. Шу участкадаги 5 та колхоз а'золари, мактаб ва муассасаларнинг ходимлари тўпланиб қолган бирнеча минг нусха газета ва журналларни бир ойда тўрт бўлиб оладилар. Янги хабарлар эскириб қолади, газеталар тоқчаларда тўпланиб ётади.

Хат ташучи Барбашина бир ойдан бери бетоб. Энгельс, Киров, Пролетар кўчаларида яшовчи аҳоли газета, журнал ва хат олишдан маҳрум бўлиб қолдилар.

Район газетасида телефон алоқасининг издан чиққанлиги ва бунга айбдор кишилар ҳам номба-ном кўрсатилган.

— Мен ҳам газетачиман дейди ўртоқ Семиречик, — суҳбатдошини юпатиш учун, — ба'зи мухбирлар нотўғри хабарни қўя ёзадилар. Аммо бу хабарга э'тироз билдиролмайсиз. Бор гап ёзилипти... Камчиликни тузатинг, танқидга бардош беринг, ишингизни қилаверинг. Биров сизни нари тур-бери тур демайди.

Пекерман иссиқ ўрнидан қўзғолмасликка ишонч ҳосил қилиб райкомдан чиқдию, аммо ўч олови сўнмади. У дарров ўз кабинетига бориб, редакция блан тузилган шартномани кўздан кечирабошлади. «Ҳа, ҳа, ипнинг учи тошлди» «Агар редакция газетани почтага кеч топширса, ҳар сафар 50 сўм штраф тўлайди». Қандай яхши!

У штраф қоғозини қўлига олади. «Нечанчи марта кечикди экан? Беш марта! Йўқ, ўнмарта! Беш юз сўм бўлади. Нега йигирма марта эмас? 1953 йилларда ҳам кечиккан бўлса керак». Штраф қоғози тайёр. «Штраф 1 минг 350 сўм!».

Пекерман қўл қўяди, печатьни босади.

Аммо ўч оламан, деб оёғи шилинган қўшнидек Пекерман ҳам қўл ёйди. Пекерман, 1 марта танқид қилинган, штраф 1 марта ёзилган. Табиий бу штрафни редакция тўламасликка қарор қилиб, тўғри иш қилади.

Буни эшитиб Пекерман редакция счётини ёпиш учун банкага югуради...

Н. ЮСУФИЙ.

Шаҳар партия кутубхонаси

Тошкент шаҳар партия кутубхонаси Сталин кўчасидаги кўркам бинолардан бирига жойлашган. Бу ерга ҳар кун жуда кўп пропагандистлар, агитаторлар, марксизм-ленинизм назариясини мустақил ўрганаётган коммунист ва партиясиз активлар келиб туради. Бу ерда улар назарий ва методик масалалар юзасидан консультациялар оладилар, доклад ёки лекцияга тайёрланиш учун нималар ўқиш кераклигини сўраб биладилар ва ўзларига керак бўлган темада китоб, брошюра, журнал ва бошқа нарсаларни ўқийдилар.

Партия кутубхонаси шаҳар ва район партия комитетлари томонидан ўтказиладиган идеология ишларига доимий ёрдам беради. Кутубхона ходимлари пропагандистларни зарур бўлган материаллар блан етарли та'миналди.

Партия кутубхонасининг ходимлари семинарларнинг ишини яхшилашга алоҳида э'тибор берадилар, семинарларнинг раҳбарлари учун махсус консультация ўтказилиб, улар учун керакли адабиёт, ҳархил справкалар тайёрлаб бериладя.

Партия кутубхонасида пропагандистларнинг ишини тажрибасини оммалаштириш, уларнинг яхши иш тажрибаларини кенг ёйишга алоҳида э'тибор берилади. Пропагандистлар учун партия тарихи, диалектик ва тарихий материализм, сиёсий иқтисод, халқаро аҳвол ва Совет давлатининг ташқи сиёсати ҳамда турли юридик масалалар бўйича консультациялар бериб турилади.

Кутубхонада шаҳарнинг энг яхши пропагандистлари консультант сифатида ишламоқдалар. Булар орасида тарих фанлари кандидати В. Ш. Бағдасаров, Г. Л. Бондаревский, республика партия мактабининг марксизм-ленинизм асослари кафедрасининг ўқитучиси А. Г. Иванов, иқтисодий фанлар кандидати Д. Д. Эрлих ва бошқалар бор. Консультантлар темаларни қандай ўтиш, ўқиш материалини хўжалик-сиёсий вазифаларга боғлаш, суҳбатларни ўтказиш юзасидан қимматли маслаҳатлар берадилар.

Бу йил шаҳар партия кутубхонасида пропагандистлар хонаси жиҳозланди. Бу ерда партия XIX с'езди материаллари, СССР Олий Совети V сессиясининг якунларига, КПСС Марказий Комитетининг сентябрь ва февраль-март Пленумлари қарорларига оид материаллар тўпланган.

Консультантлар тўгарак ва сиёсий мактабларда ўтказиладиган машғулотларнинг кенгай

Адабиёт саҳифаси

ДЎСТЛИК КОСАСИ

Березина қиргоғида, ўрмонда хата.
Жам бўлишдик. Дўстлар тўла коса бердилар
Ва столнинг атрофида менга дедилар:
— қардош йигит, бизга бир сўз айтгил албатта.
Нима деяй? Юрагимда ҳисларим тошиб,
Шодлигимдан сўзлолмасдан боқмоқдаман лол.
Қанча-қанча дар'ёлардан ўтиб, тоғ ошиб,
Кун тигидай олисларга чўзилиб хаёл.
Эслаб кетдим Болшевода, қарагайзорда
Пахтамизнинг аҳволини сўраган қолни.
Эслаб кетдим Маргилондан шу йил баҳорда
Уқиш учун Москвага келган аёлни.
Бобруйский ўрмонида жажжи Людмила
Узбекистон қизларига салом топширди.
Исфарада Мицкевичдан ўқиб Жамила
Ше'р баҳсида шоирдан ҳам ўтиб, тоширди.
Минскда Огнецвет уйнда кеча
Марҳум Иўлдош отамизни та'риф этдилар,
Белоруслар борганида, то тонг отгунча
Сийлаб, меҳмон қилганини сўзлаб кетдилар.
Переяслав қишлоғида уйдан хат олдим,
Бирор мактаб адресини сўрабди ўғлим,
Алишери бебош дердим, ҳали ёш дердим,
Чин дўстликни билганидан қувонди кўнглим.
Мамадали отпускани олар эди-ю,
Бир нафас ҳам туролмасдан жўнарди дарҳол.
Ўртоқлари бир-бирига берарди савол:
Қайга борар, йироқларда нима қилар у?—
Полесье колхозида собиқ партизан:
— Бизнинг ошна Мамадали омонми? — деди
Ва сўзлади ўрмондаги оғир жанглардан,
Унинг нақли катта дўстлик китоби эди.
Шу ҳаётий қардошликни ҳамиша куйлар
Якуб Колас қалбидаги оташин илҳом.
Даврангизда хаёлимга келди шу ўйлар,
Азиз дўстлар, шулар учун кутараман жом.
Илдизлари чатиш бўлган чинорлар каби
Турли миллат фарзандлари турибмиз юксак.
Дилимиз бор. Дўстлигимиз умри абадий,
Шунинг учун арзир тўла косани исчак!

Ҳамид ҒУЛОМ.

Минск. Январь 1954 йил.

Т О Ш К Е Н Т

(Қ У Ш И Қ)

Сенга боқсам шод бўламан,
Очилар баҳрим.
Юрагимда ғурур тошар,
Кўйлайман сени.
Гўзал Тошкент — пойтахтим,
Меҳрибон шаҳрим,
Қўшиғимда, достонимда
Сўйлайман сени.
Москвамдан мадад олган
Фаровон Тошкент.
Республикам юрагисан,
Жонажон Тошкент.
Бахт қуёшин нури блан
Яшнар қучоғинг,
Гудокларинг тонгда бизни
Ишга чорлайди.
Биноларнинг пештоқида
Зафар байроғинг,
Бошинг узра Москвамнинг
Меҳри порлайди.
Москвамдан мадад олган
Фаровон Тошкент.
Республикам юрагисан
Чароғон Тошкент.
Хурсанд борар мактаб томон
Қизлар, ўғиллар.
Қурантнинг ҳар жаранглаши —
Тинчлик садоси.
Боғларингда гўркирайди
Хилма-хил гуллар,
Чаманларда булбулларнинг
Янгроқ овози.
Москвамдан мадад олган
Фаровон Тошкент.
Республикам юрагисан,
Жонажон Тошкент.
Кўчаларда ҳаёт қайнар,
Говжумдир ҳарёқ,
Анор янглиг қипқизилдир
Қувноқ чеҳралар.
Сенда руслар, ўзбек, тожик
Қадрдон ўртоқ,
Дўстлик блан тепар қалблар
Мангу биродар.
Москвамдан мадад олган
Фаровон Тошкент.
Республикам юрагисан,
Жонажон Тошкент.

Жуманиёз ЖАББОРОВ.

ЧЎЛДА ҲАЁТ ЯШНАР

Вагон деразасин очиб қўйди-да,
Ингит ташқарига узоқ қаради.
Столб каби атрофдан уфқ қўйнида
Қозоқ саҳролари ўтиб боради.
Сайқал пўлат ялтар тақирлар бетин,
Чўллар денгиз каби чайқалиб қолар.
Қўрқ, бўз ерларда жимирлар сокин
Қуёшдан тўкилган ёғду-ҳалқалар.
Шу ўтли тиғларда қизиб ёнгандай
Бунда ҳансирайди ҳарбир парча тош.
Мана, ташналиқдан ҳолсизлангандай
Кенг дашт уфқларга қўйиб ётар бош...
Ингит ўйга чўмган. Эртанги кунинг
Бахтли онларига элтади хаёл.
Бунда қизғин меҳнат кутади уни
Бунда уни кутар ижод, истиқбол.
Фарзандлик севгиси тошиб қалбида,
Тиқилар она ер-бепоён чўлга.
Аҳд қилиб, ҳаётбахш ирода блан
Кеча у Тошкентдан чиққанди йўлга.
Букун мардонавор қўймоқда қадам,
Қайноқ ҳаёт завқи олдинда ҳали.
Поёнсиз саҳрода ер очиб бардам,
Елкандай сузади универсали.
Мотор товушидан чўл янграр бирдан,
Ҳайқириқ жимликни ларзага солар.
Чўчиб уйғонгандай асрий уйқудан
Чаман либос кияр чексиз саҳролар.
Севинч, ҳаяжонла тепади юрак,
Ингит сочларини силаб ўтар ел.
Хаёлда жонланар яқин келажак,
Эртаги истиқбол, янги мўл ҳосил.
Букун у чўлларга ҳаёт келтирар,
Нақадар бахтнёр сезар ўзини.
Вагон деразаси олдида турар,
Узоқларга хурсанд тиқиб кўзини...

Эркин ВОҲИДОВ.

ҚАРДОШЛИК СОВҒАЛАРИ

Бир дўстона оилага бирлашиб коммунистик жамият қураётган — Совет Иттифоқининг барча қардош халқлари Украиннанинг Россияга қайта қўшилишининг 300 йиллиги муносабати блан ўтказиладиган умумхалқ байрамини муносиб кутиб олиш учун катта тайёргарлик кўрмоқдалар. Бахтнёр озод халқлар оиласида фаровон турмуш кечираётган ўзбек халқи ҳам ўзининг меҳрибон оғалари — рус ва украин халқларининг бу қутлуғ тўйига атаб ажойиб совғалар тайёрламоқда. Мана шундай армуғонларнинг бири — Узбекистон рассомлари ва моҳир чеварларининг ижодий ҳамкорлигида яратилган «Халқлар дўстлиги» темасидаги икки катта сўзонадир.

Ҳарбир сўзонанинг ўртасида олтин ипакдан моҳирлик блан тикилган медальон бор. Унда СССРнинг давлат герби ва 16 қардош республика вакилларининг портретлари чиройли қилиб тикилган. Медальон атрофида эса чеварсан'аткорлар тиккан 16 Иттифоқдош республика герблари акс этдирилган қипқизил байроқлар яшнаб турибди. Медальоннинг остида Богдан Хмельницкийга Киевда ўрнатилган машҳур ҳайкалининг сурати тасвирланган. Сўзонанинг хошияси ўзбек халқи аққошлик сан'атининг энг нодир нусхалари блан чиройли қилиб безатилган. Ғўзаллиги, жозибадорлиги блан киши диққатини жалб қилуви бу ажойиб дўстлик сўзоналарининг рус ва украин халқларига улуғ байрам кунларида совға қилиниши қардош совет халқлари ўртасидаги бузилмас дўстлиқнинг ёрқин ифодаси бўлажак.

Узбекистон ССР халқ рассоми В. Уфимцев раҳбарлигида бу сўзоналарнинг сюжети ва бадиий композицияси устида ижодий иш олиб бораётган Ўзбекистон ССР халқ рассоми Ф. Сайдалиева, моҳир чеварлардан Н. Шарипова, мастерлардан В. Столяров ва Адкин ўртоқларнинг ўз ишларига зўр муҳаббат блан қараётганликлари яққол сезилиб турибди. Композициянинг кўпгина қисми Бухорадаги Молотов номли артельнинг доигдор зар ипак тикучилари қўлидан чиққан. Дўстлик сўзоналари ўзбек халқи номидан қардош улуғ рус ва украин халқларига совға қилинади.

О. АПУХТИН.

Суратда: Тошкентли кашта тикучи чеварлар сўзона устидаги ишни давом эттирмоқдалар.

„ҚЎШИҚЛАР“

Коммунистик жамият қураётган меҳнаткаш халқимиз қўшиқни севади. Меҳнат ва қўшиқ ҳаётимизга жуда сингиб кетган. Меҳнат бор жойда қўшиқ бор. У меҳнатни осонлаштиради. «Қўшиқ кишининг ҳарбир ишида, ҳаётининг ҳарбир дақиқасида у блан биргадир. У халқнинг руҳини, орзу умидларини, интилишларини ифода қилади» (М. Исаковский).

Узбекистон ССР Давлат нашриёти босиб чиқарган «Қўшиқлар» тўпламида озод ва бахтиёр совет хотин-қизларининг актив фаолияти ва қувноқ турмушини ифодаловчи 20 қўшиқнинг тексти бор. Қўшиқ учун ёзилган ше'рларнинг тили ниҳоятда содда, равон, оҳангдордир.

Зулфиянинг «Хорманг қизлар» ше'рида илғор пахтакор қизларимиз ҳақида завқ-шавқ блан куйланади. П. Мўминнинг бахтиёр хотин-қизларимиз тилидан айтилган «Бахт куйида сайрайман» ше'ри тўпламидаги энг яхши қўшиқлардан бўлиб, совет конституцияси қуёши нуридан баҳраманд бўлган, фаровон яшаётган аёлларимизнинг юрак туйғуларини ифода қилади. Асқад Мухтор «Ўзбек қизининг овози» деган қўшиғида бутун аёллар'ни урушга қарши, тинчлик учун тинмай курош олиб боришга чақиради. Камтарнинг «Лолахон» ше'рида бутун мамлакатга кетган Социалистик Меҳнат Қаҳармони, доигдор Лолахон Эрбўтаева, «Хурматой» ше'рида Ватанимизнинг шуҳратли ипакчиси Ҳурматой Тешаевانинг ўз шонлик меҳнати блан коммунизм ишига баракали ҳисса қўшаётганлиги талқин қилинади.

Лекин тўплам айрим камчиликлардан холи эмас. Тўпламдаги кўп қўшиқлар тема жиҳатидангина эмас, мазмунан ҳам бир-бирига ўхшаб кетади. М. Қориевнинг «Қаҳрамон қизлар» қўшиғидаги

«Даламизни гулдек яшнаттан
Ватан фахри қаҳрамон қизлар»

мисра'лари П. Мўминнинг «Жон қизлар» ше'ридаги

«Далаларни яшнаттан,
Ишда қаҳрамон қизлар» мисра'ларини беихтиёр эсга туширади.

«Сизнинг қувноқ қўшиқ яллалар
Пахтазорни севиб аллалар» (М. Қориев).

«Пахтазорни янгратган
Сизнинг қувноқ куйингиз» (П. Мўмин) мисра'лари ҳам бир-биридан фарқ қилмайди. Ҳарбир қўшиқ ўзига хос бадиий хусусиятга эга бўлиши керак. Лекин тўпламдаги ше'рларнинг тасвирлаш воситаларида, ўхшатишларида янгилик ва оригиналликдан кўра умумийлик кўп. Ҳ. Шариповнинг «Кўнглим ўшанда» деган ше'рида мазмунан суюқ, чалкаш мисра'лар бор.

«Ой эмас, юлдуз эмас
Колхознинг қизларидан» деган

қуруқ, мужмал мисра'лардан ҳеч нарса тушуниб бўлмайди. Тўпламда граматик, стилистик камчиликлар йўқ эмас.

Шоирлар композиторларимиз блан ижодий ҳамкорликда ранг-баранг темаларда халқимизга мазур бўладиган замонавий қўшиқлар ёзишлари, кишиларимизнинг кундан-кун ўсиб бораётган ма'навий талабларини қондириш учун ғайрат блан ишлашлари керак.

Н. РИХСИЕВ,
Л. МАҲМУДОВ.

Юксал, Украина

Сени эслаганда мавжли Днепр
Буюк салобат-ла кўринар кўзга,
Жонли тарихингни варақлаб бир-бир
Шевченко киришар оташин сўзга.

Сўнмас севги блан, зўр ишонч блан
Улуғ рус халқига чўзилди қўлинг.
Оғаларча меҳр ва қувонч блан
У қучоқ очди-ю, нурлайди йўлинг.

Яшнади дўстлигинг сўнмас баҳори,
Кучинг, фазилатинг камолга етди.
Босқинчи итларинг қуриб мадори
Азиз тупроғингдан сурилиб кетди.

Улуғ Октябрьда дўстлар топишдик.
Бир оила қурдик, тотув, бахтиёр,
Волга, Сир, Днепр қўшилмасидек
Забардаст куч бўлдик, юксалди диёр.

Меҳнат ва курашда мардлигинг машҳур,
Жону-шарафингга ниҳоя йўқдир.
Ўзбек сенинг каби дўст блан мағрур,
Садоқат, меҳрингга кўнглимиз тўқдир.

Порлаб яшнаётган чаманимиз сан,
Жангда қалқон бўлди сенга сийнамиз.
Саодат барқ урган Ватанимиз сан
Юксал эй, жонажон Украиннамиз.

Саид НАЗАР.

БАҲОР ТОНГИДА

Баҳор тонги оромбахш, дилбар,
Баҳримизни гулдай очади,
Тоғли води гўзал нақадар,
Сахий қуёш ёғду сочади.
Рўпарамда қадрдон шаҳар,
Нурлар ичра товланар, яшнар.
Меҳнат аҳлин кузатар саҳар,
Шонли ишда, қучинг, деб, зафар.
Кўриб қолдим, шахтага томон
Шаҳдам юриб келар қончи қиз.
Ҳол сўрадим, жилмайиб шу он
Раҳмат деди, шодлиги чексиз.
«Транспортёр» мотористи у,
Ишга вақтли келиши одат.
Машинанинг моҳир устаси,
Шон келтирган унга иш-меҳнат.
Мотор яхши ишласа ҳарчоқ,
Бир зум тинмай уюлар кўмир,
Кўмир дейди кенг очиб қучоқ,
Мартенларда пўлат ва темир.
Баҳор тонги оромбахш, дилбар,
Баҳримизни гулдай очади,
Тоғли води гўзал нақадар,
Сахий қуёш ёғду сочади.

Амир ТЎЛИБОЙ.

СЕНИНГ ҚУЙЛАРИНГ

Яна баҳор келди, эсади еллар,
Табиат ясанган, қўмқўқдир осмон.
Қушлар дарахтларда чиройлик куйлар,
Баҳмал майса қийиб товланар ҳарён.
Мевазор боғларда оппоқ гул блан —
Қопланган ўриклар кулф уриб яшнар,
Ўқишга бораман асфальт йўл блан,
Баҳор кўрки дилга ором бағишлар.
Биламан: шу дамда «Универсал» ингда
Чигит экмоқдасан севикли дилбар.
Мен берган ўша руль букун қўлингда
Қайтишим кутасан бўлиб интизор.
Кеча газетада кўрдим ўзингни,
Баҳордек яшнабсан, қалбда аҳдинг бор.
Оқлабсан вафодор, берган сўзингни,
Бўлибсан «Универсал» ҳайдовчи илғор.
Яна баҳор келди, канал бўйлари,
Бепоён далалар қилади хумор.
Сени деб жуш урган орзу-ўйларим,
Шарафли меҳнатдан элда донинг бор.
Мен хабар берган кун ўша қиргоқда
Чаман гулбоғларда кут, киргач оқшом.
Баҳор қушларидек учай сен ёққа,
Ўқишни тамомлаб, бўлиб агроном.

Зоҳиджон ОБИДОВ.

БРИГАДИР

ОЧЕРК

Кишининг характери кўпинча ташқи кўринишидан ҳам ма'лум бўлади. Сиз биринчи марта кўрган кишингизнинг қанақа одам эканлиги ҳақида тахмин қилсангиз бу тахминингиз айнан шундай бўлмаса ҳам ўшанга яқинроқ бўлиб чиқади. Кишининг кўз қарашидан, муомаласидан унинг иродасини, принципиаллигини, ўзини қанчалик тутабилишини, бардошлилигини ба'зан аниқ белгилаб олиш ҳам мумкин бўлади.

Оржоникидзе районидаги Маленков номли колхозда Тўхта Каримов деган пахтакор бор. Каримов ҳозир раппороса 52 ёшга кирипти, 12 йилдан бери илғор бригаданинг бошлиғи бўлиб ишлайди. Ўзи қорачадан келган, чорпғил юзлик, йўғон гавдалик, кўринишги жуда одий, деҳқонча кийинади, гап-сўзлари ҳам деҳқонча.

Тўхта акани биринчи марта кўришдаёқ «босиқ, мулоҳазали, кўп ўйлаб кўп ишлайдиган-у, кам гапирадиган одам» деб тахмин қилинса ера янглишилмайди. Ҳақиқатан унинг ташқи кўринишидан белги бериб турган ана шу яхши фазилатлари ишида, ҳаётида ва муомаласида тўлалигича акс этади.

Тўхта ака колхоз бирлашмасидан илгари «Қурилиш» колхозида эди. 1930 йилдан то 1943 йилгача кассир бўлиб ишлади. 1944 йил бошида колхоз правлениесига ариза берди. Аризасида бундай депти: «Энди колхозимизда билимли кадрлар кўпайиб қолди. Мен ота касбим-деҳқончилик блан шуғулланаман, кассирликдан бўшатишингизни сўрайман».

Унинг аризасини колхоз раҳбарлари ҳа деганда қулоқ солиб, кассирлик вазифасидан бўшатмадилар. Тўхта ака кундан-кун қисилиб, ўзидан-ўзи диққат бўлабошлар эди. Тунов куни қандай юмуш бландир идорага кириб, бир паст ўтириб кетган одамларнинг сўзи дамба-дам эсига тушади. Область ташкилотларидан бўлса керак, бу одамларнинг бири Тўхта акани кўрсатиб, ёнидаги шеригига дер эди:

— Агар кетман урса, ерни титратади-я.

— Сохи-сумбатини қара, тирсиллаган кучи блан пул санашни яхши кўрганига ҳайронман.

— Шунга ўрганиб қолганда, далада ишлаш осонми?

Бурчакда чўт қоқиб, кеча колхозчиларга тарқатилган аванси ҳисоблаб кўраётган Каримов ҳеч нарса билмаган киши бўлиб ҳамма гапни эшитиб ўлтирар эди. У колхоз правлениесига берган аризасида бу тўғрида ҳеч нарса демаган эди, албатта. Дарвоқи' нима ҳам десин. Бир ҳисобда тўғрисини айтишади. «Мен ҳақиқатан ўз умримни бекорга ўтказаётирман, шундай иш қилайки, кассирлик давримдаги ишламаганларимнинг ҳиссаси чиқиб кетсин» деб жазм қилди, у.

Тўхта ака қаттиқ туриб олгандан кейин правление уни кассирликдан бўшатишга мажбур бўлди, бригада бошлиғлигига мўлжаллашди. Бунга Тўхта ака кўнмай оддий кетманчи бўлиб ишлашни талаб қилди. Лекин правление а'золари уни битта бригадага бошлиқ қилиб тайинлашмоқчи бўлди. Шунда Тўхта ака деди:

— Тайёр ерга экин экиб, ҳосил олиш ҳамманинг ҳам қўлидан келади. Агар бригада бошлиғи бўлар эканман янги ерни очиб ишга соламан.

Бир вақтлар қамишзор бўлиб, кейинчалик бир-икки йил шоли экилган Нақансойи уруш даврида ташландиқ бўлиб қолган эди. Тўхта ака шу ерни ишга солса, унумдор пахта майдонига айланишини ўйлаб юрар эди.

— Нақанги беринг, шу ерга пахта экаман.

— Катта куч керак, йигитларимиз фронтда. Ҳозирча бошқа ерни экиб турайлик.

— Йўқ, — деди Тўхта ака, — янги ер очиб пахта экмасам, бригадирлиги қилмайман.

Колхоз раҳбарлари Тўхта акани қат'ий туриб қилган илтимосини рад этишга ра'йилари бўлмади. 30 гектар эски ердан қўшиб бериб, уни Нақан сойига бригадир қилиб тайинладилар. Каримов ўша йили тўқайдан бирнеча гектар ер очиб пахта майдонига қўшди ва колхоз бўйича энг кўп ҳосил олди.

Пиллар ўтди. Нақан сойи тамомила ўзлаштирилиб, бригаданинг пахта майдони салкам 60 гектарга етди. Бригада ва ундаги колхозчиларнинг донги тобора тарқади. План бажарилмаган йил бўлмади. Лекин 1952 йилда Тўхта Каримов бошлиқ бригада қаттиқ зарбага учради. Ягана, 1-нчи чопиқ ва культивациядан чиқарилган 25 гектар ердаги ғўзани дўл уриб, теп-текис қилиб кетди. Қайта экилган чигитнинг ғўзаси кеч етилиб пахтаси очилмай қолди. Бригада ҳар гектар ердан 35 центнердан пахта топширган бўлса ҳам, план аранг 94 процентга етди. Шу йили 14 бригаданинг ярми ва колхоз ҳам планини бажармаган эди.

Йиллик ҳисобот мажлисида Тўхта акани ҳаммадан кўра ғийбат қилиб, ҳақиқий қилдилар, коммунист бўлганлиги учун мўл ҳосил етиштиришда авангардликни қўлдан бериб қўйди, деб юзига солдилар. Тўхта ака индамай ўлтирарди. «Илғор бригада, деб биздан ўпка қилсалар яхши» деб таниқдига жон-дилдан тан берди. Лекин оддий кетманчи — 9-нчи бригаданинг а'зоси Сиддиқ ота Нурбоев гапирганда ўрнидан азод туриб кетди.

— Дўл урди, у эди-бу эди деган баҳона чидамаганнинг иши, деди Сиддиқ ота — тўннинг ихчамроғини кийиш, белбоғнинг кичикроғини боғлаш керак...

Тўхта ака шу гапга чидайолмади. Бундан 9 йил илгари идорада чўт қоқиб ўлтирганда «Сохи-сумбати» ҳақида эшитган та'наси эсига тушди. Нима қилсинки, планни бажармаган. Бўлмаса, минбарга чиқиб тегишли жавобни берар эди. «Мажлисни ташлаб чиқиб кетаймми» деб ўйлади-ю, яна ўзини куч блан босди. Ҳар йили ҳисобот мажлисида колхозчиларнинг олдинги сафида ўлтирадиган бригада а'золари бу сафар энг охирдан ўрин олганлар. Улар ҳам мулзам тортиб ер тагидан бир-бирларига қарашиб қўярдилар. Тўхта ака аччиқ-чучук барча таниқдларни эшитиб мажлисинг охиригача терлаб ўтирди.

Бригада бошлиғи эртасига жуда барвақт далага чиқди. Қараса колхозчиларнинг ҳаммаси ишлаётир. Ариқ-зовурлар тозаланиб бўлган, ерлар трактор блан чўқир шудгор қилинган эди. Февраль ойининг охиридан бошлаб ерни чигит экишга тайёрлашга киришилди.

Дам олиш вақтида Тўхта ака одати бўйича колхозчилар блан чақ-чақлашиб ўлтираркан, гапни айлантириб кечаги умумий мажлисда бўлган таниқдларга олиб келиб таққан:

— Шундай қилиб роса таниқд едикми, планни бажармаслик қанақа бўлишини билиб олгандирсизлар?

— Билганда қандай, — деди звено бошлиғи Эргаш Анорбоев Тўхта аканинг кулгисига қўшилса ҳам кечаги алам юзига тепиб турар эди, — ер ёрилмади-ю, ерга кириб кетмадик. Қани бу йил чигитни мендан илгари экадиган чиқсинчи!

— Ҳосилчи? — Каримов сўради.

— Ҳосилда ҳам ҳечким олдинга ўтолмайди.

Бригаданинг ёш а'зоси Ўктамой Юнусова ўз отасидек меҳрибон бригада бошлиғига худди умумий мажлисда қандай ачиниб қараган бўлса ҳозир ҳам шундай телмуриб ўлтирар эди. У қизларга хос э'тироз блан, деди:

— Бир марта план бажарилмаганга ҳамманинг кўзи бизни кўрипти. Планни бажарган бригаданинг энг олдинги а'золари кетмонда, пахта теришда мен блан баҳслашиб кўрсин!

— Шу гапингни нега кеча гапирмадинг, қизим.

— Гапиришга қўйишдими!

Колхозчиларнинг ҳаммаси ҳам бригадани кўтариш учун нимаики зарур бўлса ҳамасини қилишга тайёр эди. Тўхта ака буни уларнинг ваз'иятидан билиб ўлтирарди. Шунинг учун ортиқча гапириб ўлтирмай муддаосини қисқа сўзлар блан баён қилди.

— Иккинчи марта юзимиз қизармасин десак, ишни об-тобида қилайлик, ғайратга-ғайрат қўшиб ишлайлик, шунда нуқул таниқд ўрнига иззат-ҳурмат кўрамиз.

Колхозчилар унинг сўзини ма'қуллаб жимгина тингландилар.

Ҳали бошқа бригадаларда дала ишлари дуруствина бошланмай туриб бригада ерлари экишга тайёрлана бошланди. Март ойининг охирида колхозда биринчи бўлиб Эргаш Анорбоев звеносида «Универсал»ни ишга тушди. Тўхта ака машинанинг уёқ-буёғини текшириб чиққач, универсалчига: «Чигитни дўл урганда ҳам ғўзасига шикаст етмайдиган қилиб эк», — дер эди кулиб.

Чигит экиш тамом бўлмагунча «Универсал»ни бошқа бригадага ўтказишмади. Тўхта ака бригадаси апрель ойининг бошида 57 гектар ерга биринчи бўлиб чигит экиб олди. Дастлабки қўлга киритилган бу ютуқ ҳарбир мавсумда мустаҳкамланиб борди. Яганада, ғўза чопиғида, пахта теришда бригада ҳамма вақт олдинги ўринни эгалларди. Йиллик якун ҳам шундай бўлди. Бригада колхозда ҳаммадан юқори — гектаридан 44 центнердан пахта топширди. Эргаш Анорбоев эса ҳосилни 47 центнерга етказди. Колхозчиларнинг ҳаммаси ҳам бутун йил давомида пландагидан ошириб меҳнат куни ишлади. Ўктамойнинг меҳнат куниси 480 та бўлипти. У ҳақиқатан пахта теримида ҳам ҳечкимни олдига туширмади, мавсумда бир ўзи салкам 10 минг килограмм пахта терди.

Яқинда бўлган ҳисобот йиғилиши жуда мороқли ўтди. Колхоз ўтган йили планни бажариб 800 гектар ернинг ҳар гектаридан 38,8 центнердан пахта топширди. Мажлис президиумида Тўхта ака, Эргаш Анорбоев, Ўктамойлар ҳам бор. Бригада а'золари энг олдинги қаторда ўтирар эдилар. Колхознинг бир йиллик иши ҳақида ҳисоб берган раис Эгамбердиев ҳам, коммунистларнинг иши тўғрисида сўзлаган партия ташкилотининг секретари Усмонов ҳам ва бошқа нотиқлар ҳам Тўхта ака бригадасини мақтадилар, табрикладилар.

Ниҳоят Тўхта акага ҳам сўз берилди. У ўз бригадасининг ютуқлари ҳақида мақтаниб бир оғиз ҳам гапирмади. У фақат шундай деди:

— Бу йил 50 центнердан пахта етиштирамиз. Бундан буён ҳам бригадамиз доимо олдинда бўлишга ҳаракат қилади.

Лекин колхозчилар орасида ўлтирган Сиддиқ отага кўзи тушиб унинг ўтган йили худди шу вақтда гапирган гаплари эсига тушиб қолди. Умумий мажлисда Каримовга, Ўктамойга, Анорбоевга мукофот учун биттадан тикув машинаси берилди. Тўхта ака мажлисдан кейин машинани кўтариб клубдан чиқар экан кенг кўкрагини баланд кўтариб, йўғон, ғўштдор гавдасини ярада савлатлироқ кўрсатишга ҳаракат қилгандек Сиддиқ отанинг ёнидан ўтиб кетди...

* * *

Нақан сойининг ёнбағрида турган «Универсал» Эргаш Анорбоев звеносида экишга тушмоқчи бўлиб турганда бригада бошлиғи келиб қолди.

— Туратурчи, — деди Тўхта ака универсалчи Комиловга қўли блан ишора қилиб.

Энди юрабошлаган машина деписиб тўхтади. Бригадир чўнқайиб ўлтириб, йирик бармоқлари блан ер бетини тиқилаб кўрди. Боронадан кейин мола босилган шудгорнинг усти кечаси блан шиналаб ёғдан ёмғир та'сирида анчагина қотиб қолган эди.

— Борона қилиш керак, бўлмаса чигит юзага тушиб, тупроққа яхши кўмилмайди. — Тўхта акининг сўз оҳанги бу фикри қат'ий эканини билдириб турар эди. — Шокирникига ўтказиш керак, боронани олиб кел, бу ерни эртага экади.

«Универсал» Шокир Раҳматуллаев звеносига ўтказилиб, унинг ўрнига от қўшилган борона келиб ер бетини тирнайкетди. Тўхта ака «Универсал» кетидан Раҳматуллаев звеносига борди. Бу звено ўтган йили бригадага нисбатан ҳар гектарига 2 центнер кам ҳосил берган эди. Раҳматуллаев 19 гектар ерни барвақт экишга тайёрлаган бўлса ҳам Анорбоев звеноси отни олдинроқ қамчилаб, бу йил ҳам «Универсал»ни ўз ерига ҳаммадан илгари буриб олишга муваффақ бўлган эди. Машинани кўрган звено бошлиғи суюниб кетди.

— Мана, айтганинг бўлди, Шокиржон.

— Ўзингиз «олдин экман, олдин йиғаман» дейсиз, 50 центнер ҳосил берадиган бўлгандан кейин...

Тўхта ака худди боягидек чўнқайиб бугун эрталаб мола босилган ерни текширабошлади. Ер кафтдек қилиб текисланган, қўнгир тупроқ бўрсиллаб ётибди. Каримов мамнун бўлиб бошини қимирлатди-да «қани бошланглар» деди.

Машина кенг қартада юриб кетди. У узоқлашар экан ритмали товуши қулоқ тобора ёқимли эшитилар эди.

Тўхта ака «Универсал» ер бошига 2—3 бориб келгунча қараб турдида нариги звенода ерни экишга тайёрлаётган колхозчилар томон йўл олди. У вазмин қадам ташларди. Айни пайтда бригада бошлиғининг симосида ҳам улуғворлик, ҳам уста пахтакорга хос нодир хусусиятлар белгиси мужассам эди.

Ҳабиб НУ'МОН.

Оржоникидзе район, Маленков номли колхоз.

Ғанимат кунлардан тўла фойдаланиб, чигит экишни тезроқ ва сифатли ўтказайлик!

☆

Намунали ишламоқдалар

Верхне-волинск районидаги Жданов номли колхоз а'золари пахта ҳосилини йилдан-йилга муттасил ошириб бормоқдалар. Ўтган қишлоқ хўжалиги йилида колхознинг кўпгина бригада ва звеноларида катта майдонларда 40—50 центнердан ҳосил олишга муваффақ бўлдилар.

Колхоз а'золари бу йил ҳам чигит экишга пухта тайёрлик блан киришдилар. Колхоз бу йил 500 гектар ерга чигит экади. Шундан 150 гектари янгидан ўзлаштирилган ерлар ҳисобланади.

Шу кунларда колхознинг ҳамма бригада ва звеноларида бутун куч ва воситалар чигит экишни муваффақиятли тамомлашга қаратилмоқда. Ўтган йили 50 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил олиб, планни ошириб бажарган ўртоқ Алмамат Эсирганов бошлиқ илғор бригада чигит экишда бу йил ҳам ҳаммадан олдинда бормоқда. Бригада а'золари чигитни яхши ишланган ерларга, қисқа муддатларда экиб олиш учун механизация кучидан унумли фойдаланаётирлар.

Бригада ўзига қарашли экин майдонини партов ерлар ҳисобига 60 гектарга кенгайтирди. Азамат пахтакорлар янгидан ўзлаштирилган ерларда ҳам ҳосил миқдорини 4 центнерга кўпайтиришга қарор бердилар.

Бригаданинг Эргаш Ерлақонов, Олия Алибекова, Хайри Муқимова сингари а'золари ер текислаш, ўғит солиш каби дала ишларида кундалик нормани 2—3 ҳисса ошириб бажармоқдалар.

Колхознинг Х. Жумаев, Т. Усмонов ўртоқлар бошчилик қилаётган бригадаларида ҳам чигит экиш қизғин давом этмоқда. Чигит экишда колхозчилар механизаторлар блан яқин ҳамкорликда иш олиб бормоқдалар.

Т. СУЛАЙМОНОВ.

Мажбуриятимизни шараф блан бажарамиз

Бригадамиз бу йил 54 гектар ерга турли сабзавот экинлари экади. Шундан 20 гектарига картошка, 4 гектарига пиёз, 5 гектарига памидор ва 6 гектар ерга карам экамиз. Биз картошканинг ҳар гектаридан 240 центнердан, колган экинлардан эса, гектар бошига 250 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олдик. Бу бригада а'золаридан йил бўйи астойдил фидокорона меҳнат қилишни талаб қилади.

Бундан ташқари экинлардан мўл ҳосил етиштиришда илғор агротехника ютуқларидан унумли фойдаланиш ва уларни ишга солиш катта роль ўйнайди. Биз бунинг учун картошкани, квадрат шаклида уялаб экамиз. Колган сабзавот экинларини экишда ҳам агротехника қоидаларига қат'ий амал қиламиз. Шунингдек ёзги парвариш ишларини яхши уюштириб, олган мажбуриятимизни шараф блан бажарадиган даражада мўл сабзавот ҳосили етиштирамиз.

Раҳмат РАШИДОВ.

Калинин районидаги Ворошилов номли колхознинг бригада бошлиғи.

Ўртачирчиқ районидаги Ворошилов номли колхоз далаларида чигит экиш ишлари борган сари қизитилмоқда. **Суратда:** универсалчи **Мустафо Ҳайдаров** ва сеялкачи **Муслим Бакиров** ўртоқлар чигит экмоқдалар.

М. Шевелев фотоси.

Кибрланиш оқибати

Бордию, сиз Мирзачўл районидаги Ворошилов номли колхознинг раиси ўртоқ М. Мирзаевдан колхозда чигит экиш қандай бораяпти деб сўраб қолсангиз, у сизга: колхозимизда чигит экиш ёмон эмас, яна 2—3 кун ичида тугаб қолади, рапорт беришга тайёрланаяпмиз, деб жавоб беради.

Лекин колхоздаги ҳақиқий аҳвол блан танишсангиз бутунлай бошқача фактларга дуч келасиз.

Ворошилов номли колхоз районда хўжалиги йирик, илғор колхозлардан бири саналади. Унинг ўтган хўжалик йилларида қўлга киритган муваффақиятлари бирмунча яхши. Лекин 1954 йилга келганда колхоз раҳбарларида бир қадар кибрланиш аломатлари сезилабошлади. Бундай зарарли кайфият бу йилги қўклам дала ишларига тайёрланишда салбий та'сир кўрсатмасдан қолмади.

Колхоз раҳбарлари бу йилги кўкламнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олмадилар. Улар об-ҳавонинг исишини кутиб, экишга тайёрлик ишларини кечиктириб юбордилар.

Оқибатда нима бўлди? 955 тонна минерал ўғитдан энди ярмига яқини ташиб олинган. Тайёрланиши лозим бўлган 9 минг тонна маҳаллий ўғитдан 1200 тонна тайёрланган, холос. Булардан ҳам фақат 300 тоннаси далага чиқарилган. Мавжуд пахта майдонининг 700 гектаригина кузда шудгор қилингани ҳолда, буларнинг ҳам ярмидан кўп қисмига ҳайдашдан олдин на минерал, на маҳаллий ўғит солинмади.

Ерларнинг мелиоратив аҳволини яхшилаш юзасидан бу йил колхоз 41 минг кубометр ҳажмида ариқ-зовурларни қазиши керак эди. Ҳолбуки, шу кунгача 30 минг кубометрдан ҳнёл ортиқ ариқ-зовур қазилган.

Колхозда шудгор қилинмаган ерларнинг ғўзапояларини йиғиб олиш учун шошилинч чоралар кўрилмади. Бунинг натижасида 9 ва 13-нчи бригадалар ўртасидаги 40 гектардан ортиқ ердаги ғўзапоя ҳанузгача йиғиштирилиб олинмай ётипти.

Колхоздаги 9 «Универсал»дан 6 таси ерларни бороналаш ва чизельлаш блан банд, қолганлари чигит экишга қўйилган бўлса ҳам, аммо иш унуми ниҳоятда паст.

Ерларни чигит экишга тайёрлаш юзасидан берилган график бирор кун ҳам бажарилмаётир. Чигит экишни тугаллаш муддатлари ўтиб кетаётганига қарамай, бу ерда энди 100 гектардан ортиқроқ ер тайёрланган, холос. Аллақачон ташиб олиниши лозим бўлган 115 тонна чигитнинг эндигина ярми келтирилган.

Колхозда меҳнат интизоми бўш. Ишга яроқли барча ишчи кучи дала ишларига сафарбар этилмаган. Ишчи кучларини жой-жойига тақсимлаш, бригадаларга одамларни ажратиш ишлари ҳалигача тамомланмаган. 14 ва 15-нчи бригадаларнинг бошлиқлари Омонлиқ Маматқулов, Бердиқул Эшмуродов ўртоқлар ўз бригадаларидаги а'золарини кимлардан ва неча кишидан иборат эканлигини ҳозиргача билмайдилар.

Қўклам дала ишларига тайёрликнинг бундай ёмон уюштирилиши чигитни тезроқ ва сифатли экиб олиш ишини кейинга судралиб қолишига сабаб бўлаётир. Ҳали колхоздаги экин майдонининг учдан бир қисмида ҳам чигит экиш тамомланмаган.

Ворошилов номли колхоз а'золари бу йил янгидан ўзлаштирилган 215 гектар партов ерлар ҳисобига экин майдонини 1 минг 115 гектарга кенгайтириб, унинг ҳар гектаридан 29 центнердан пахта ҳосили етиштириш мажбуриятини олганлар. Бироқ шу кунлардаги ишнинг борищи бу катта мажбуриятни бажариш даражасида эмас.

Ворошилов номли колхоз раҳбарлари колхозда юз берган жиддий аҳволдан тегишли хулоса чиқаришлари ва унинг олдини олиш учун барча куч ва моддий-техника воситаларини ишга солишлари керак.

А. РАҲМАТОВ.

Германиянинг бирлиги масалалари комитетининг баёноти

БЕРЛИН, 9 апрель. (ТАСС). Бугун Берлин газеталари Германиянинг бирлиги масалалари комитетининг баёнотини босиб чиқардилар. Баёнотда бундай дейилади:

Аденауэр ва Ғарбий Германия бундестаги ўзлари э'лон қилган баёнотда Германия Демократик Республикасининг суверен республика бўлганлигини инкор қилмоқдалар. Улар, федерал республика органлари бутун Германия номидан иш кўрмоқда, деб да'во қилмоқдалар.

Ваҳоланки, шу нарса ма'лумки, 1948 йилда Германия сепарат пул реформаси натижасида иқтисодий жиҳатдан парчаланиб ташланди, 1949 йилда эса Бонн сепарат давлати тузилганлиги натижасида сиёсий жиҳатдан парчаланиб ташланди. АҚШ ҳукумати ва Аденауэр ҳукумати Шарқ блан Ғарб ўртасидаги савдо-сотиққа, маданий алоқага тўсқинлик қилиш мақсадида ва шу сингари мақсадларда жуда кўп тадбирлар кўриб, Германиянинг парчаланишини янада кучайтириб юбордилар. Ташқи ишлар министрларининг Берлин кенгаши бўлаётган вақтда Аденауэр, Ғарб ва Шарқ немисларига шу кенгашда ўз нуқтаи назарларини айтишга йўл қўйилмасин, деб талаб қилди.

Ғарбий Германия органлари оккупациячи давлатларга тўла равишда қарам бўлганликлари сабабли ҳатто ўзларининг ички масалалари тўғрисида ҳам мустақил қарор қабул қилолмайдиган бўлганларидан кейин улар қандай қилиб ўзларини бутун Германия учун иш кўрадиган орган қилиб кўрсатоладилар. Ғарбий Германия четэл қўшинлари томонидан оккупация қилинган мамлакатгина бўлиб қолмасдан, шу блан бирга у, оккупация статутига ҳам бўйсундирилган мамлакатдир. Бу статут оккупациячи давлатларга чекланмаган ваколатлар бериб қўйди. Бонн ҳукумати томонидан имзоланган «умумий шартнома»да олий ҳокимият оккупациячи давлатлар қўлида бўлиши белгилаб берилди.

Аксинча, Германия Демократик Республикаси герман давлати бўлиб, ҳозир у ўзининг ички ва ташқи ишларини бемалол эркин ҳал қилмоқда ва фақат немис халқининг манфаатларига хизмат қилмоқда.

Германия Демократик Республикасида ҳокимият органлари демократик йўл блан сайланган. Жамиятнинг кўпчилигини ташкил қилучи ишчилар синфи Германия Демократик Республикасининг ҳукуматида ва ма'мурий органларида ўзининг кўпсонли вакилларига эга бўлгани ҳолда, Ғарбий Германия ҳукуматида ишчилар синфидан умуман битта ҳам вакил йўқ. Германия Демократик Республикасининг ҳукумат органлари халқнинг доимий контроли остида ишламоқда ва неча ўн минглаб меҳнаткашлар давлат ишларида бевосита қатнашмоқдалар.

Ғарбий Германияда сайловлар четэл оккупациячиларининг, банк эгаларининг, йирик саноатчилар ва катта ер эгаларининг, фашист ва милитарист ташкилотларнинг таз'йиқи остида, барча демократик принциплар бузилган ҳолда ўтказилган экан, бундай ҳолда Ғарбий Германиядаги тузумни қандай қилиб демократик тузум деб бўлади охир? Аденауэр ҳукумати Гитлерни ҳокимият тепасига чиқарган ва унга таянч бўлган эски реакцион кучлар блан жуда яқин алоқада бўлгандан кейин, демократия ҳақида қандай гап бўлиши мумкин?

Ўз ишларида фақат немис миллатининг манфаатларинигина кўзлаётган Германия Демократик Республикаси суверен давлат сифатида очиқ-ойдин тинчлик ва ҳамжиҳатлик сиёсатини ўтказмоқда. Боннинг мазкур баёнотида сулҳ шартномаси тузишни талаб қилиш тўғрисида битта ҳам сўз айтилмаган, оккупациячи қўшинларни олиб чиқиб кетишни талаб қилиш тўғрисида битта ҳам сўз айтилмаган, Ғарбий ва Шарқий Германияни яқинлаштиришнинг конкрет йўллари тўғрисида ҳамда Германияни тинчлик ва демократик асосда қайтадан бирлаштириш тўғрисида битта ҳам сўз айтилмаган, ваҳоланки Германия Демократик Республикаси ҳукумати бирлаштирилган ва тинчликсевар Германияни барпо қилиш учун ҳормай-толмай курашмоқда. У, немислар ўртасида битимга келишга эришиш йўлидан, демократия ва тинчлик йўлидан оғишмай бормоқда, чунки бутун немис халқининг тўла суверенитетга эришишига қаттиқ ишонади.

Ғарб давлатлари ҳукуматларининг нияти шуки, улар «Европа мудофаа бирлашмаси» тўғрисидаги ҳарбий пакт ёрдами блан Ғарбий Германиянинг суверенитетини абадий йўқотмоқчилар ва Германиянинг тинч йўл блан бирлаштирилишини мумкин бўлмайдиган иш қилиб қўймоқчилар. Шу сабабли Ғарбий Германияда ҳам аҳолининг ўз хоҳиши блан ҳаракат қилишини та'минлаш зарур. Эндиликда ватанимизнинг ҳамма қисмларидаги немислар тинчлик ва демократия шароитида бир-бирлари блан битимга келиш ва Германияни қайтадан бирлаштириш учун мустақил ҳаракат қилишлари лозим. Шу сабабли Германия Демократик Республикасининг суверенитети немисларни ўзларига таалуқли масалаларни бамаслаҳат ҳал қиладиган бўлишларига олиб келадиган йўлда олга томон қўйилган янги қадамдир.

Баёнотга Германия Демократик Республикаси бош министрининг ўринбосари ва Германиянинг бирлиги масалалари комитетининг раиси Ганс Лох қўл қўйган.

Москва «Березка» хореография ансамблининг Голландиядаги гастрольлари

ГААГА, 9 апрель. (ТАСС). 7 апрельда Амстердамдаги тамошабинлар блан лиқ тўлган «Карре» театри залида «Березка» ансамблининг икки концерти зўр муваффақият блан ўтди. «Де тайд» газетаси хореография ансамблининг концертлари ҳақидаги ҳисоботини «Березка» тамошабинларнинг кўнглини мафтун қилмоқда» деган сарлавҳа остида босиб чиқарди.

Ҳисобот автори раққосаларнинг ижро этиш маҳорати, юксак сан'ати, костюмларнинг ёрқинлиги ва чиройлилиги ҳақида жуда қойил қолиб ёзмоқда.

Болгария халқ мажлисининг фавқулодда сессияси тамом бўлди

СОФИЯ, 9 апрель. (ТАСС). Бугун Болгария Халқ мажлисининг фавқулодда сессияси тамом бўлди. Сессия 1954 йилда халқ хўжалигини ривожлантириш ҳақида ҳукумат томонидан таклиф этилган давлат планини якдиллик блан ма'қуллади.

«Европа армияси» тузилишига қарши Франциядa норозилик ҳаракати

ПАРИЖ, 9 апрель. (ТАСС). «Либерасьон» газетаси хабар беради: «Тинчликни ва қишлоқ хўжалигини ҳимоя қилиш учун курашчи деҳқонлар миллий комитети» парламент депутатларига янги мактуб юборди. Комитет ўз мактубида депутатларни «Европа мудофаа бирлашмаси» тузиш тўғрисидаги шартноманинг ратификация қилинишига қарши ова беришга чақиради. Мактубда айтилишича, Франциянинг 44 департаментида деҳқонларнинг с'ездлари бўлиб ўтган. Бу с'ездларда юз мингларча француз деҳқонларининг вакили бўлган делегатлар қатнашган. С'ездларнинг қатнашчилари Бонн ва Париж ҳарбий шартномаларига қарши чиққанлар.

Запасдаги офицерлар ва унтер-офицерлар федерацияларининг раҳбарлик комитети ҳам «Европа армияси» ҳақидаги шартноманинг ратификация қилинишига қарши чиққан. Қабул қилинган резолюцияда айтилишича, запасдаги офицерлар ва унтер-офицерлар «Европа мудофаа бирлашмаси» тузиш ҳақидаги шартноманинг ратификация қилинишига халақит бериш учун бутун куч-қувватларини сарфлашга бел боғлаганлар.

Ҳафталик «Обсерватор д'ожурдюи» газетасининг ма'лумотларига кўра, француз армиясининг кўпчилик кадр офицерлари ҳам бу шартноманинг ратификация қилинишига қарши чиқмоқдалар. Мазкур ҳафталик газетанинг та'кидлаб ўтишича, француз кадр офицерларининг тўртдан уч қисми «Европа армияси» тузиш тўғрисидаги ҳозирги проектни кескин танқид қилмоқда.

Японияннинг Совет Иттифоқи ва Хитой Халқ Республикаси блан бўлган савдосидаги чеклашларга қарши

ШАНҲАЙ, 9 апрель. (ТАСС). Япон радиоси қуйидаги хабарни эшитдирди: кеча Япония молия министрлиги Японияннинг 1953 йил апрельдан шу йил март ойигача бўлган даврдаги ташқи савдоси ҳақидаги ма'лумотларни э'лон қилди. Министрликнинг ахборотидан ма'лум бўлишича, Япония ташқи савдо балансининг дефицити урушдан кейинги даврда энг юқори даражага — 1.263 миллион долларга етган.

Япония матбуотининг э'тироф қилиб ёзишича, Япония ташқи савдо балансининг бундай кўнгилсиз аҳволда бўлиши кўп жиҳатдан Японияннинг Совет Иттифоқи ва Хитой Халқ Республикаси блан бўлган савдосида АҚШ ҳукуматининг зўри блан чеклашлар жорий қилинганлиги натижасидир.

Яқинда Саппоро шаҳрида Японияда молия ва саноат доиралари вакилларининг катта йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда қатнашган вакиллар Совет Иттифоқи блан ва Хитой Халқ Республикаси блан савдони кенгайтиришга чақирган резолюция қабул қилдилар.

Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларидаги антиимпериалистик кучларни жипслаштириш учун янада кўпроқ ғайрат қилайлик

Яқин ва Ўрта Шарқ халқларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш конференциясининг ижроия комитетидаги ливанли ва суриялн а'золарнинг баёноти

БАЙРУТ, 9 апрель. (ТАСС). Яқин ва Ўрта Шарқ халқларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга бағишланиб ўтган йил декабрь ойида Байрутда бўлиб ўтган конференция ижроия комитетидаги ливанли ва суриялн а'золарнинг яқинда Дамашқда қўшма мажлиси бўлди.

Мажлисда қабул қилинган манифестда Яқин ва Ўрта Шарқ халқларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга бағишланган конференциянинг қарорларини ватанпарвар кучларнинг ҳаммаси кенг суратда ма'қуллаётганликлари ва қўллаб-қувватлаётганликлари та'кидланади.

Бироқ, дейилади манифестда, Англия ва АҚШнинг Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларидаги ватанпарварлик ҳаракатини бостириш мақсадида Яқин ва Ўрта Шарқда ҳарбий иттифоқлар тузиш проектларини амалга оширишга интиладиган «умумий шартнома»ни имзолаётганликлари Яқин ва Ўрта Шарқ халқларининг манфаатлари учун курашда барча антиимпериалистик кучларни жипслаштириш учун янада кўпроқ ғайрат сарф қилиш мутлақо зарур бўлиб қолди, деган бизнинг ишончимизни мустаҳкамламоқда.

Манифестда Ливан ма'мурларининг Байрутдаги студентларнинг яқинда бўлиб ўтган ҳаракатини бостириш учун кўрган чоралари қораланади. Бу студентлар «Туркия — Покистон иттифоқи тузилаётганлиги ҳамда Ироқни шу иттифоққа тортиш йўлида ҳаракат қилинаётганлиги муносабати блан, шунингдек АҚШ блан Ливан ўртасида битим тузиш проекти муносабати блан ўзларининг газабланганликларини билдирмоқчи» бўлган эдилар...

ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИДА

НЬЮ-ЙОРК, 9 апрель. (ТАСС). Кеча Совет Иттифоқи вакили А. Я. Вишинский раислигида Хавфсизлик Кенгашининг мажлиси бўлди.

Дастлабки кун тартибида «Фаластин масаласи» деган умумий ном блан қуйидаги икки масала турибди: 1) Исроил давлатининг яраш тўғрисидаги умумий битимни бузганлиги ҳақида Ливаннинг Иордания ҳукумати номидан қилган шикояти; 2) «Иорданиянинг яраш тўғрисидаги умумий битим бўйича олган ўз мажбуриятларини бажаришдан бош тортаётганлиги» муносабати блан Исроилнинг Иордания устидан берган шикояти.

Мажлисда дастлабки кун тартибини тасдиқлаш муносабати блан процедура юзасидан узоқ дискуссия бошланиб кетди. Қўшма Штатлар, Англия, Франция вакиллари ва бошқа ба'зи делегатлар ҳар иккала шикоятни биргаликда кўриб чиқишни талаб этдилар. Ливан вакили эса шикоятлар Кенгашга қандай тартибда тақдим этилган ва ҳозир дастлабки кун тартибида қандай турган бўлса, уларни шу тартибда кўриб чиқишни талаб қилди. Процедура ҳақидаги бу масалани муҳокама қилиш кенгашнинг келгуси мажлисига қолдирилди. Келгуси мажлис 12 апрельга тайинланди.

Жаҳон биринчилиги учун шахмат мусобақаси

Илгари хабар берилганидек, Жаҳон биринчилиги учун бўлаётган шахмат мусобақасининг ўнбиринчи ўйини 40 юришдан кейин, оқ доналар блан ўйнаган Смисловнинг қўли жуда баланд бўлган ҳолда кечиктирилган эди. Кечиктирилган ўйиндаги позицияни анализ қилганда, қоралар ихтиёрида рақибининг йўли очиқ пиёдалари фарзинга ўтишни тўхтатаоладиган қоникарли бирор ҳимоя иложи йўқлиги аниқланди.

9 апрель кундузи Ботвинник бу ўйинни давом этдирмасдан ўзининг енгилганлигига иқрор бўлди.

Шундай қилиб, мусобақа ҳисоби Смислов фойдасига 6:5 бўлди.

Жаҳон биринчилиги учун бўлаётган шахмат мусобақасининг 12-нчи ўйини 10 апрельда бўлади. Оқ доналар блан Ботвинник ўйнайди. (ТАСС).

Қишлоқ хўжалик новаторлари—виставка кандидатлари

Областимизнинг қишлоқ хўжалиги кўп тармоқлидир. Пахтачиликда янгилик яратган новаторлар, картошка, сабзавот экинларидан мўл ҳосил етиштираётган миришкор деҳқонлар, меванинг янги нав'ларини яратаётган соҳибкор усталаримиз блан фахрланамиз. Машҳур новатор уруғчи Назаралиота Ниёзов ўз тажрибалари блан янгилик яратди. Соҳибкор Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ризаматота узумнинг янги нав'ларини топиб, колхоз, совхозларимизда серҳосил мевазор боғлар барпо қилмоқда. Сталин номли колхознинг фермасида ишлаётган сут соғучи комсомол а'зоси Назми Муҳидова сут соғишда янги намуналар кўрсатаётир.

Москвада очиладиган доимий Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасига қатнашиш ҳуқуқига эга бўлаётган илғор новаторлар қаторида яна кўплаб пешқадам кишиларимизни кўрсатиш мумкин.

Бир вақтлар Шўралисой қишлоғи қуруқ чўл ердан иборат эди. Бундан 20 йилча илгари 1935 йили шу ердаги Каганович номли колхоз 170 гектар ерга чигит экиб, 12 центнердан ҳосил олган эди. Шу кунларда Шўралисой қишлоғига борган киши Каганович номли колхознинг кўптармоқли хўжалиги блан танишар экан, қисқа даврда шундай улкан хўжаликни барпо қилган, йирик пахтакор маконга айлантирган колхозчи деҳқонларнинг ҳиммати, фидокорона меҳнатига қойил қолади.

Икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонини олишга сазовор бўлган Ҳамроқул Турсунқулов бу хўжаликни моҳирлик блан бошқариб, пахтачиликни ривожлантиришда жуда катта муваффақиятларни қўлга киритди. 1953 йили колхознинг суғариладиган ери 2 минг гектардан ошди. 1 минг 300 гектар ерга чигит экилиб, гектаридан 36,5 центнердан ҳосил етиштирилди. Колхознинг умумий даромади 20 миллион сўмдан ортди.

Колхоз хўжалигининг бошқа тармоқлари — чорвачилик, мевачилик, сабзавотчилик ҳам йил сайин ривожланиб бормоқда. Бу йил колхозга Шверник номли колхоз ҳам қўшилди. Экин майдони 3 минг 100 гектардан ортди. Бу йил колхоз 2 минг гектар ерга чигит экади. 700 гектарига ғалла, 100 гектарга сабзавот ва картошка экинлари экилади.

Колхоз хўжалиги юксалиши блан бирга янги новаторлари ҳам ўсиб етишмоқда. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Қулмон Мирзаев шу ерга келиб пахтачилик блан шуғулланабошлади. У уста пахтакордир. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Яхшигул Отабоева пахтачилик звеносида мўл ҳосил етиштиришнинг янги намуналарини кўрсатмоқда. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мирсулаймон Еқубов, Раҳимберди Йўлдошев ўртоқлар ҳам колхоз хўжалигининг моҳир ташкилотчилари, пахтачиликнинг уста тажрибакорлари бўлиб етишдилар.

Пахтачиликни комплекс равишда механизациялаш проблемаси бу колхоз тажрибасида амалга оширилмоқда. Фан янгиликларини ишлабчиқаришга жорий этишда тажрибакор ва фан арбобларининг ҳамкорлиги бу колхозда мужассамдир.

Қишлоқ хўжалик Виставкаси экспонатларида бу колхознинг мана шу катта ютуқлари равшан тасвирланади. Ўзбек пахтакорининг эришган муваффақиятлари бу Виставкада ўзининг муносиб ўрнини олади.

Мирзачўл водисининг илғор пахтакор ва механизаторлари янги ерларни йил сайин кўпроқ ўзлаштириб, она-Ватанимизга пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштириб бормоқдалар. Бу ўринда Гулистон район Сталинобод қишлоқ советидаги Молотов номли колхоз а'золарининг меҳнатлари тақдирга сазовордир. Областимизда Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик Виставкаси кандидатлари орасида Молотов номли колхознинг номи ҳам бор.

Бу йирик колхознинг а'золари кейинги икки йил ичида 600 гектар янги ер ўзлаштирдилар. Бу участкаларда ташкил қилинган бригада ва звеноларнинг а'золари фидокорона меҳнат қилиб, мўл ҳосил етиштираётирлар. Комсомол а'зоси Кўпайсин Муҳиддинов бошлиқ бригаданинг ёшлари янги ерларда деҳқончилик қилиб пахтадан юқори ҳосил етиштириш намуналарини кўрсатаётирлар. Ёш пахтакорлар давлатимиз томонидан етказиб берилаётган зўр техникадан самарали фойдаланиб, пахта ҳосилини янада ошириш учун курашмоқдалар. Ўтган йил бригаданинг ҳар гектар ер идан 34 центнердан пахта ҳосили топширилди. Бригада а'золари бу йил янги ерда 40 центнердан ҳосил етиштириш учун ғайрат блан курашмоқдалар.

Молотов номли колхозда ерларни ўзлаштириш ҳисобига бригадалар сони ортиб бормоқда. Уста пахтакор ўртоқ Акбарали Йўлдошев бу йил янгидан очилган ерлардаги бригадага бошчилик қилаётир. Бу бригада а'золари ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олганлар.

Ўтган йили колхоз 1 минг 150 гектар ерга чигит экиб, ҳар гектаридан 28,5 центнердан ҳосил олди. Умумий даромад 10 миллион сўмдан ошди. Биргина Кўпайсин Муҳиддинов хўжалиги 87 минг сўм пул, 11 тонна ғалла даромад қилди.

Колхоз правлениесига уста пахтакор ва ташкилотчиси ўртоқ Сайибжон Назаров бошчилик қилади. Янги ерларда ташкил қилинган бу илғор колхоз хўжалигининг ҳамма тармоқлари ривожланмоқда. Бу ерда серҳосил мевазор боғлар, узумзор, анорзор, сайрғоқ жойлар барпо қилинди. Колхозчилар янги типда қурилган кўркам уйларда яшайдилар. Колхоз клуби аҳолига маданий хизмат кўрсатаётир. Бу колхозда уста пахтакорлар ўсиб, вояга етмоқда.

Калинин районидаги Сталин номли колхоз хўжалигида чорвачилик салмоқли ўрин тутади. Бу колхознинг сутчилик фермаси сигирларни қўлда боқиб, ундан кўп маҳсулот олиш соҳасида яхши намуналар кўрсатаётирлар. 1953 қишлоқ хўжалик йили сутчилик фермаси ишлабчиқариш планини 110 процент бажарди. Ҳикоят Абдуллаева, Назми Муҳидова сингари сут соғучилар намунали ишлаб, ўзларига биркитиб берилган сигирлардан пландагига қараганда бирнеча юз литр ошиқча сут олдилар. Қишлоқ хўжалик Виставкасида бу илғор чорвадорларнинг эришган муваффақиятлари ҳам кенг намойиш қилинади.

Сталин номли колхознинг сутчилик фермаси учун янги типда, электрлаштирилган молхона қурилмоқда. Ем-хашак тайёрлаш, силос бостириш ишларини бажаришда электр қувватидан фойдаланиш кенг йўлга қўйилмоқда.

Калинин район Молотов қишлоқ советидаги генерал Раҳимов номли колхоз ҳам Виставкага кандидат қилиб кўрсатилди. Илгари пахтакор бўлган бу колхознинг а'золари кейинги йилларда картошка, сабзавот, полиз экинлари етиштириш блан шуғулланабошладилар. Колхознинг миришкор деҳқонлари полиз экинлари ҳосилини ошириш ва унинг нав'ларини кўпайтириш соҳасида катта ютуқларга эришдилар.

Тошкент шаҳрида бу қишлоқнинг Чинни тарвузи, «босволди», «кўкча» қовуни та'рифидадир. Полизчиликни ривожлантиришда уста резаворчи Усмонота кўпйиллик тажрибаларини ишга солиб, полиз экинлари ҳосилини оширишга ўз ҳиссасини қўшмоқда. У, колхознинг 4-нчи бригадасида звенога бошчилик қилади. Ўтган йили ҳар гектар ердан 48 тоннадан полиз экинлари ҳосили етиштиришга эришди. Колхоз бўйича 125 гектар ерга полиз экинлари экилиб, ҳосил олиш плани ошириб бажарилди. Бу колхознинг сабзавотчилари Виставкада полиз экинлари ҳосилини кўпайтиришдаги муваффақиятларини кўрсатадилар.

Колхоз а'золари СССР Министрлар Совети ва КПСС Марказий Комитетининг «Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик Виставкаси ҳақида»ги қарорини кенг муҳокама қилмоқдалар. Колхозда кўклам дала ишларини уюшқоқлик блан ўтказиш учун социалистик мусобақа қизғин бораётир.

Областимизнинг колхоз, совхоз далаларида илғор новаторларнинг тажрибалари асосида социалистик мусобақани кучайтириш блан кўклам дала ишларини муваффақиятли бажаришга эришиш қишлоқ хўжалик Виставкаси очилиш кунига муносиб совғадир.

Т. ОРИПОВ.

ТЕАТР ВА ҚИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 11/IV да кундуз **Оила**, кечқурун **Отелло**, 13/IV да **Юрак сирлари**.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 11/IV да кундуз **Доктор Айболит**. Ўзбекистон ССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати **Галия Измайлова** қатнашади. Кечқурун **Улуғ канал**. Ўзбекистон ССР халқ артистлари, Сталин мукофоти лауреатлари **Мукаррама Турғунбоева, Галия Измайлова** ва Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар қатнашади. Дирижёр — СССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати, профессор **Мухтор Ашрафий**, 13/IV да **Доктор Айболит**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — машҳур қизиқчи («Мардлар майдони» кинофильмининг қатнашчиси) **Олег Попов** гастрольлари. Тамошаларда: **В. Масловский, Б. Романов, Е. Амвросьева, А. Карельский, И. Колядалардан** иборат қизиқчилар группаси қатнашади. Бугун **3 марта тамоша** кўрсатилади.

«РОДИНА», НАВОИЙ номли, «ИСКРА», «ЁШ ГВАРДИЯ», «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» ТИКУЧИЛАР МАДАНИЯТ САРОЙИ кинотеатрларида — кундуз **Александр Пархоменко**, кечқурун янги итальян бадиий фильми **Рим соат 11 да**.

СОБИР РАҲИМОВ номли кинотеатр — кундуз ва кечқурун **Рим соат 11 да**.

„Сортсемовош“ Ўзбекистон конторасиСАБЗАВОТ, ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ, ХАШАКИ ЛАВЛАГИ ВА ТАРВУЗНИНГ ЮҚОРИ НАВ'ЛИ УРУҒЛАРИНИ СОТАДИ

Бу уруғликлар «Сортсемовош»нинг: Тошкент, Самарқанд, Андижон ва Фарғона шаҳарларидаги конторалари, шунингдек Тошкент, Янгийўл, Мирзачўл, Пискент, Бекобод, Оҳангарон, Велико-Алексеевская, Нукус, Самарқанд, Бухоро, Денов, Шаҳрисабз, Қарши, Жиззах, Каттақўрғон, Зирабулоқ, Фарғона, Марғилон, Қўқон, Андижон, Ленинск, Наманган шаҳарларидаги ларёкларида сотилади.

«Сортсемовош» уруғликларнинг сифатли бўлишини гарантиялайди.

1954 йил 24 апрель кеч соат 8 да, 89-нчи мактаб биносида мактабнинг илгариги ўқучилари блан ТРАДИЦИОН УЧРАШУВ КЕЧАСИ бўлади

Мактабнинг адреси: Стаханов кўчаси, 25-нчи уй (11 ва 13-нчи трамвайнинг «Театральная» остановкаси).

2-НЧИ ПИВО ЗАВОДИГА

пиво қуйиш цехига ишчи хотин-қизлар, солодчи хотин-қизлар, гипт теручилар, сувоқчилар, дурадгорлар КЕРАК

Меҳнат ҳақи йшбай асосида тўланади. Тошкент шаҳар, Олмазор кўча, Аллея тупик, 46-нчи уйда заводнинг кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин (1 ва 4-нчи трамвайда борилади).

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЕТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 157, Пропаганда бўлими — 157, Совет қурилиши бўлими — 137, Маданият бўлими — 135, Адабиёт ва сан'ат бўлими — 135, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими — 136, хатлар бўлими — 137, Секретариат — 34048, а'лонлар бўлими — 38142.

Р. 00490. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр № 1309.